АЛИШЕР НАВОИЙ
ТАВАЛЛУДИГА
580 ЙИЛ

*Бу гулшан ичраки, йўқдур бақо гулига сабот,*
*Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от.*

* * *

*Нафъинг агар халққа бешакдурур*
*Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.*



Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2021-yil
4-fevral
payshanba

№ 5 (4491)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФА




**Тошкент вилояти Тошкент тумани ИИБ ЙҲХБ ходимлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, содир бўлганларини вақтида аниқлаш ва тегишли чора кўриш юзасидан зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этишмоқда.**

**Туман ИИБ ЙҲХБ биносининг таъмирдан чиқарилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани ходимларнинг самарали фаолият юритишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.**

**Шунингдек, қидирув-суриштирув йўналишида хизмат қилаётган ходимлар йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, воқеа жойидан яширинган шахсларни аниқлаш ва ҳолатга ойдинлик киритишда бор билим ва малакаларини ишга солмоқдалар.**

## ТАЙИНЛОВ



**Полковник Турсунов Рустам Рахмонович** – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Навоий вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.

САРҲИСОБ

# Устувор вазифалар белгиланди

**Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармасида Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Шуҳратжон Собиров иштирокида йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**



Тадбир аввалида вазирнинг биринчи ўринбосари 2021 йилда Тошкент вилоятида жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган янгича лойиҳалар, куч-воситалар, моддий-техник базани яхшилаш бўйича қилинган таклиф тақдимоти билан танишди. Генерал-майор Ш. Собиров аксарият лойиҳаларга ижобий фикр билдирган бўлса, айримларини такомиллаштириш ва тўлдириш бўйича тавсияларини берди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда ўтган йил давомида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда ўтказилган профилактик тадбирларнинг самарадорлиги хусусида соҳавий хизмат раҳбарлари, туман (шаҳар) ИИБ бошлиқлари ва бошқа масъуллар томонидан маълумотлар берилди. Муҳокама натижаларига кўра хизмат вазифаларини бажаришда камчиликларга йўл қўйган айрим раҳбар ва ходимларга нисбатан қаттиқ интизомий таъсир чоралари қўлланилди.

Хусусан, биринчи ва тўртинчи минтақавий мувофиқлаштириш маркази бошлиғи ва уларга бириктирилган туман (шаҳар) биринчи раҳбарлари ҳамда ўринбосарлари қаттиқ огоҳлантирилиб, жиноятчиликни жиловлаш бўйича биринчи чорак якунига қадар муддат берилиб, чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Йиғилишда генерал-майор Шуҳратжон Собиров йўл қўйилган камчиликлардан керакли хулоса чиқариб, берилган вазифа ва топшириқларни виждонан бажариш, фуқаролар хавфсизлиги ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш бўйича тавсияларини берди. Биринчи навбатда ҳар бир ички ишлар органи ходимининг ўзи қонунийликка қатъий амал қилиши, ўзи хизмат вазифасига виждонан ёндашиши, Ватани, хизмати ва халқига садоқатли эканлигини амалда кўрсатиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда ходимларнинг оилавий шароити ва хизматдаги вазиятдан келиб чиқиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизматни қонунчиликка амал қилган ҳолда ташкил этиб, шахсий таркибнинг дам олиш кунларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда 2021 йилда вилоят ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши режалаштирилган ишлар муҳокама қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Охунжон МУСТАФОЕВ,**
**Тошкент вилояти ИИББ Ахборот хизмати ходими, сафдор.**



МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

## ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБДА ТУРГАН ШАХСЛАР УЧУН

**Сурхондарё вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида меҳнат ярмаркалари ташкил этилди Унда ишсиз ёшлар ва шаҳар-туман ИИБ ҳамда соғлиқни сақлаш идоралари ҳисобида турган шахслар учун бўш иш ўринлари таклиф этилди.**

Жорий йилнинг шу кунига қадар Термиз шаҳар ва воҳанинг бир қатор туманларида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 1271 нафар ишсиз профилактик ҳисобда турган шахс иштирок этди. Улардан 154 нафари захираланган бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди.

Бундай меҳнат ярмаркалари давом этмоқда.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

ЭҲТИРОМ



# «БОШИМ КЎККА ЕТДИ»
## дейди Эркин Заитов

**Соҳада узоқ йиллар хизмат қилиб, иззат-икром билан пенсияга кузатилиш онларининг ҳам ўзгача гашти бор. Ички ишлар вазирлиги Тезкор маълумотлар бошқармасида ана шундай маросим бўлиб ўтди.**

Тадбир кўп йиллардан буён мазкур бошқарма бошлиғи ўринбосари вазифасида фаолият юритган полковник Эркин Заитовни пенсияга кузатишга бағишланди. Унда бошқарма раҳбарияти ҳамда шахсий таркиб иштирок этди. Улар қаҳрамонимизнинг шаънига илиқ сўзларни айтишди. Жумладан, бир нечта ҳамкасблари ва шогирдлари ҳам ўз дил изҳорларини билдиришди.

Э. Заитов тизимдаги фаолиятини 1990 йилда ИИВда оддий техник хизмат кўрсатувчи ходим вазифасида бошлаган эди. У бугунги масъулиятли лавозимгача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Турмуш ўртоғи билан икки нафар фарзандини тарбиялаб, вояга етказди. Ҳозирда уларнинг иккиси ҳам олий таълим муассасасида таҳсил олмоқда.

– Пенсияга чиқдим дея уйда ўтириш ниятим йўқ, – дейди Э. Заитов. – Келгусида ҳам бошқармада фаолият бошлаган ёш ходимлар ва ҳамкасбларимга ўзимнинг билим ва тажрибаларимни ўргатиб, соҳа ривожи учун имкон қадар ўз ҳиссамни қўшаман. Бугунги кўрсатилган эҳтиромдан бошим кўкка етди. Барча ҳамкасбларимга мана шундай бахт насиб этишини чин дилдан тилайман.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ХИЗМАТЛАРДА

# ҲУДУД ОСОЙИШТА БЎЛСА, ОБОДЛИК БАРДАВОМ БЎЛАДИ



**Қибрай туманининг Салар шаҳарчасидаги 7-сонли ИИБ ташкил этилганидан сўнг шу ҳудудда яшаётган аҳолининг узоғи яқин, мушкули осон бўлди. Фуқароларнинг паспорт алмаштириш ёки бошқа масалаларда овора бўлиб туман марказига боришига ҳожат қолмади. Ҳам вақти, ҳам маблағи тежалган фуқаролар айни пайтда бўлимга мурожаат қилиб, кўплаб масалаларга шу ернинг ўзида ечим топишяпти.**



## Ҳар бир жиноят муҳокамада

7-сонли ИИБда айни пайтда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноят қидирув, суриштирув, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

– Бўлим биноси ўтган йили капитал таъмирлангандан сўнг ходимлар ва фуқаролар учун қулай шароитлар яратилди, – дейди бўлим бошлиғи, подполковник Сарвар Эргашхўжаев. – Ҳозирги вақтда бўлим шахсий таркиби 69 мингга яқин аҳоли яшайдиган 25 та маҳаллага хизмат кўрсатиб келмоқда.

25 та маҳалланинг ҳаммасида профилактика инспекторлари учун қулай хизмат шароитини яратишга катта аҳамият қаратилмоқда. Ҳудудда содир бўлган ҳар бир жиноят, ҳуқуқбузарлик кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, унинг юзага келиш сабаблари, шарт-шароитлари ўрганилмоқда. Бунинг салбий оқибатлари аҳолига содда усулда тушунтирилмоқда.

– Ўтган йил декабрь ойининг охирида ҳудудимизда битта фирибгарлик жинояти юз берганди. Куни кеча маҳаллада шу жиноятнинг муҳокамасини ўтказдик, – дейди бўлим профилактика катта инспектори, подполковник Жамолиддин Валихўжаев. – Ушбу жиноят маҳалла аҳли, гумонланувчиларнинг яқинлари иштирокида муҳокама қилинди. Фуқароларга ҳар қандай ҳолатда қонун доирасида иш кўриш, алданиб қолмаслик тушунтирилди.



Ўз хизмат ҳудудини яхши билмайдиган, одамларнинг қандай яшаб, нима иш билан машғуллигидан бехабар профилактика инспекторининг ишида унум, самарадорлик бўлиши мушкул ҳолат. Бундай ҳудудда жиноят содир этилиши ҳам табиий ҳол. Шу боис 25 нафар профилактика инспектори хизмат ҳудудини ўрганишни, аҳолининг яшаш шароити билан танишишни канда қилмайди. Улар ҳар куни хизмат фаолиятини камида ўнта хонадонга кириб, аҳволни ўрганиш, аҳоли муаммоларини ҳал этишдан бошлашади. Шу вазиятнинг ўзида ким ишли, қайси хонадонда жиноят қилишга мойил шахс бор, хонадонларда қандай муаммолар юзага келган, хуллас, ҳаммаси юзага чиқмоқда. Профилактика инспекторлари шунга кўра келгуси иш режаларини белгилаб оляпти. Бу эса содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келаётир.

## Мотор ўғрилари қармоққа илинди

Яқинда 7-сонли ИИБ навбатчилик қисмига туманнинг Меҳнат маҳалласида жойлашган, боғдорчилик билан шуғулланувчи масъулияти чекланган жамият раҳбари мурожаат қилди. Маълум бўлишича, номаълум шахслар боғдан қимматбаҳо электр двигателини ўмариб кетишган.

Бўлим жиноят қидирув ходимлари ва ҳудуд профилактика инспектори воқеа жойига бориб, вазиятни ўрганишди. Қоровул ва ишчилар билан суриштирув ишларини олиб боришди. Суриштирув чоғида боғда илгари бироз вақт ишлаган, айни пайтда ишсиз бир фуқаронинг алмойи-алжойи кўрсатмалари жиноят қидирув бўлинмаси тезкор вакили, капитан Бобур Қосимовнинг эътиборини тортди. Тезкор вакил бир-иккита илмоқли саволлар бергач, у тилидан илинди ва жиноятга алоқадорлигини тан олди.



– Буни қарангки, у боғдаги қоровулни чалғитиб, ўғриларнинг двигателни ўмаришига ёрдам берган асосий шахслардан бири бўлиб чиқди, – дейди капитан Бобур Қосимов. – Шунга кўра, яна бир ўғрилик режаси тузилди. У боғда қолган яна бир двигателни ўғирлаш юзасидан жиноий шерикларига қўнғироқ қилиб, таклиф киритди. Ўғрилик содир бўладиган кун, вақти аниқ бўлгач, биз воқеа жойида яшириниб, уларни кута бошладик. Кўп ўтмай, «Матиз» машинасида номаълум икки шахс келиб, двигателни ечиб ола бошлади. Двигателни машинага ортган пайти уларни қўлга олдик. Маълум бўлишича, бу икки шахс олдин жиноят содир этиб, судланган экан.

Ҳудудда содир бўлаётган жиноятларнинг «иссиқ изида» фош қилинишида бўлимнинг жиноят қидирув хизмати тезкор ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

## Тез ва осон ҳал бўлмоқда

Бўлимда фаолият кўрсатаётган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати аҳолининг узоғини яқин қилиб, паспорт масаласидаги кўплаб мурожаатларни шу ернинг ўзида ҳал этишмоқда. Фаолият бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, бир ҳафтадан ошиқроқ вақт мобайнида 26 нафар фуқарога турли хизматлар кўрсатилди.

– Биометрик паспорт ўрнига айни пайтда ID карта бериши йўлга қўйилди, – дейди бўлим миграция ва фуқароликни рамийлаштириш гуруҳи бошлиғи, катта сержант З.Абдуллаев. – Бундай карталарни берилиши жуда соддалаштирилган. Аввалгидек, навбатда туриш, узоқ вақт кутишга ҳожат қолмаган. ID карта олмоқчи бўлган фуқаро бизга мурожаат қилса, узоғи билан 10-15 дақиқада уни расмийлаштириб, олиб кетиши мумкин. Шу вақтгача 16 ёшга тўлган 14 нафар шахсга ва биометрик паспортини алмаштирмоқчи бўлган 12 нафар фуқарога шундай карталар расмийлаштириб берилди.

## Соғ танда – соғлом ақл

Ишни кўтаринки кайфиятда, тетикликда бошлашга нима етсин. Айни бундай тартиб кун давомидаги фаолиятга ҳам ижобий таъсир қилиши исботланган ҳақиқат. Буни яхши англаган Қибрай тумани ИИБ раҳбарияти, хусусан, 7-сонли ИИБ шахсий таркиби кунни спорт машғулотлари билан бошлашни аънанага айлантирган. Ҳафтада икки кун – сешанба ва шанба кунлари барча шахсий таркиб Тошкент давлат аграр университети спорт мажмуасида спорт билан шуғулланади.

– Соғлом турмуш тарзи, спорт билан шуғулланиш узоқ умр гаровидир, – дейди бўлим бошлиғи, подполковник Сарвар Эргашхўжаев. – Айниқса, осойишталикни таъминлашга масъул бўлган ички ишлар органи ходимлари учун бу жуда муҳим. Шуни назарда тутган ҳолда ходимларимизнинг спорт билан шуғулланиши юзасидан университетга таклиф билан чиққандик, улар розилик беришди. Ўқув жараёнига халақит қилмаган ҳолда, эрталаб 7 дан 9 гача спорт билан шуғулланишни одат қилдик. Ходимларимиз футбол, волейбол, кикбоксинг, стол тенниси билан шуғулланишади. Хоҳлаганлар сузиш ҳавзасида чиниқишади. Рости, айни пайтда ходимларимиз ҳаётини спортсиз тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолишган.

Хуллас, бўлим шахсий таркиби олдига қўйилган вазифани ортиғи билан бажариб, аҳоли ишончини қозонмоқда. Энг муҳими ҳам шу: халқ манфаатлари йўлида фидойилик билан хизмат қилиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, осойишталикни таъминлашдир.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

# УСТОЗЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАМОҚДА

**Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ 1-батальон 2-отряд ходими, сафдор Билолдин Юлдашев соҳада фаолиятини бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлмади. Эндигина 26 ёшни қаршилаётган ёш ходим ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиб, қисқа муддатдаёқ устозлари назарига тушиб улгурди.**



Фарғона туманининг сўлим Водил қишлоғида туғилиб вояга етган бу йигит болалигидан ички ишлар органи ходими бўлишни ният қилар эди. Ана шу эзгу ниятда ўқиб изланди, спорт билан мунтазам шуғулланди. Ёшликда олган билимлари, спорт билан дўст тутингани бугун хизмат жараёнида унга жуда асқатмоқда.

Қаҳрамонимиз Фарғона шаҳри марказида, энг гавжум ҳудудда хизмат олиб боради. Яқинда ҳам шундай воқеа рўй берди. Р.Р исмли фуқаро Фарғона шаҳрининг Охунбобоев кўчасида жойлашган тўйхона олдида ўз юмуши билан кетаётган эди. Шу пайтда номаълум шахс унинг қўлидаги нархи 1 миллион 700 минг сўмлик «Redmi Not 8» русумли уяли телефон аппаратини очиқдан-очиқ тортиб олди ва тезда ҳодиса жойидан яширинди.

Бир зумда рўй берган бу воқеадан эсанкираб қолган жабрланувчи ёрдам сўраб шу ҳудудда хизмат олиб бораётган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ 1-батальон 2-отряд ходимларига мурожаат қилди.

Яхшиямки, ҳуқуқ-тартибот посбонларига ўз вақтида мурожаат қилгани. Сафдор Билолдин Юлдашев бу воқеага эътиборсиз қараб турмади. Сафдошлари, сафдор Файзулло Маматқулов ҳамда Хуршид Рўзматов билан бирга талончининг изидан тушдилар ва шу ҳудуддаги истироҳат боғида уни қўлга олишди.

Билолдин хизмат ҳудудида содир бўлган жиноятнинг тезда очилганидан ва ўғрининг қўлга олинганидан бир хурсанд бўлган бўлса, жабрланувчининг уяли телефони топилгани учун уларга тинимсиз раҳмат айтиши, миннатдор бўлишидан яна бир қувонди. Одамларга ёрдами тегаётганидан, уларнинг мушкулини осон қилганидан фахрланди.

Тўғриси, бундай вазиятлар унга янги куч бағишлайди, хизматига чин дилдан киришади.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

**ИИВ Академиясининг бир гуруҳ 3-ўқув курси курсантлари Хоразм вилояти ҳудудида иш ўрганиш амалиётини ўташмоқда.**

# АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА



Бир неча йилдирки, курсантлар малакавий амалиётни ўзлари лавозимга тайинланиши белгиланган ҳудудда ўташяпти. Ҳар бир курсант вилоят ИИБ раҳбарияти буйруғига асосан, тажрибали мураббийларга бириктирилди ва уларнинг амалиёт даврида хизмат интизоми ва қонунийликка қатъий риоя этиши тушунтирилди. Соҳавий хизматларга жалб қилинган курсантлар иш ўрганиш амалиёти жараёнида фаол иштирок этишга, белгиланган ҳужжатларни ўз муддатида тайёрлашга ҳаракат қилишяпти. Курсантлар томонидан бажарилган амалиёт натижалари ҳар ўн кун якуни бўйича таҳлил қилиниши режалаштирилган.

– Мен йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналиши бўйича иш ўрганиш амалиётида иштирок этяпман, – дейди 3-ўқув курси курсанти Шоҳруҳбек Аҳмедов. – Албатта, соҳавий хизмат фаолиятидаги ҳар бир жараён биздан алоҳида эътибор ва синчковликни талаб этади. Қолаверса, ҳужжатларни юритишдаги меъёрий талабларни пухта ўрганишимиз лозим. Бу жараёнлар келгусидаги хизмат фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Курсантларнинг иш ўрганиш амалиёти вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан кузатиб борилмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Суратда:** Урганч шаҳар ИИОФМБ ЙҲХБ бошлиғи, подполковник Ҳамид Отажонов курсант Шоҳруҳбек Аҳмедов билан амалиёт жараёнида.

**Муаллиф олган сурат.**

# ОТАДАН КЎРГАН ЎҚ ЙЎНАР

**Халқда шундай ажойиб мақол бор: онадан кўрган тўн бичар, отадан кўрган ўқ йўнар. Қизлар фақат онадангина эмас, балки отадан ҳам кўпроқ нарса ўрганадилар. Ҳатто оталарнинг ўгити, ундови билан ўз ҳаёт йўлини танлайдилар.**



Қаҳрамонимиз катта лейтенант Маҳбуба Пўлатованинг ҳам айнан ички ишлар тизимида фаолият юритишига сабабчи бўлган инсон унинг падари бузрукворидир.

– Мен ва синглим отам ички ишлар органи ходими бўлгани учун бу соҳага катта муҳаббат билан улғайганмиз, – дейди Маҳбуба Пўлатова. – У киши жуда қатъиятли, тартибли инсон. Бизни болалигимиздан спорт билан шуғулланишга ундаганлар. Эрта тонгданоқ синглим иккаламизни ширин уйқудан уйғотиб бўлса-да, югуртирардилар. Баъзан эркалик қилиб, оёқларимиз оғриганини баҳона қилардик. Аммо сира унамасдилар. «Бир ишни бошладингми, натижага эришмагунча уни охиригача бажар. Инсоннинг қатъиятсизлиги уни кўплаб муваффақиятлардан маҳрум қилади», дердилар.

Нафақадаги сержант Абдужаббор Эшмуратовнинг тўғри сўзлигию қатъияти бугун қизларига ҳам кўчган. Маҳбубанинг синглиси айни дамда ИИВ Академияси тингловчиси. У ҳам ўқишни тамомлагач, опаси ва отасининг йўлини давом эттиради.

Маҳбуба Пўлатова 2018 йили ИИВ Академиясини тамомлаб, Термиз шаҳар ИИБ Жиноят қидирув бўлими ўзгалар мулкини талон-торож қилишга қарши курашиш бўлинмаси тезкор вакили лавозимида иш бошлади. Ҳозирда Жарқўрғон тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси катта суриштирувчиси сифатида туманда содир этилаётган жиноятларни фош этишда фаоллик кўрсатмоқда.

Муҳими, у машаққатдан чўчимайди. Унга қандай иш топширилишидан қатъи назар, худди отаси ўргатгандек, уни бекам-кўст адо этиш учун сидқидилдан меҳнат қилади. Иш ҳужжатлари юзасидан берилган ҳар бир кўрсатманинг рост ёки ёлғонлигини эринмай текширади. Билмаганини ҳамкасблари ва унга ҳам устоз, ҳам оталик қилган инсондан сўрайди.

– Ҳар бир ишни якунлаётиб, суд органидан қайтарилмаганидан кейингина кўнглим жойига тушади, – дейди катта лейтенант Маҳбуба Пўлатова. – Барча машаққатларимни унутаман. Адолатнинг қарор топишига кўмаклашаётганимдан қувонаман. Яна бир қувонганим, турмуш ўртоғим ҳам ИИБ ходими. Нафақат отамнинг, балки мен ҳаётимни боғлаган инсоннинг қўллаб-қувватлови касбимни янада севишимга турткi бўлади.

Ёш бўлишига қарамай, ҳамкасблари орасида ҳурматга, эътиборга лойиқ бўлган Маҳбубанинг орзулари мўл. У сингари ўз касбига садоқатли, ҳалол ходимларимиз кўпаяверсин, деймиз.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

# «ВАТАН, СУВРАТИНГНИ ЧИЗГИМ КЕЛДИ»

**Жамиятимизнинг ҳар жабҳасида бор билиму салоҳиятини янги ташаббусларга қанот деб билиб фаолият юритиш баробарида, оиласини меҳр-муҳаббати билан ардоқлагувчи опа-сингилларимиз жуда кўп. Андижон вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бўлими ички ишлар органларида хотин-қизлар масалалари бўйича бош инспектори, капитан Барнохон Мирзаева ҳам шундай аёллардан бири.**




У ўзининг қатъияти, касбига садоқатини хизмат жараёнидаги амалий ишлари билан исботлаган. Айниқса, тажрибали ходима сифатида жамоат тартибини сақлаш, соҳавий ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда ўзига хос таклифлари билан жамоада ҳурмат қозонган. Маънавий-маърифий тадбирларда ташкилотчиликни зиммасига олади ва вазифаларни астойдил бажаради.

– Андижон вилоят ИИБда айни пайтда 202 нафар хотин-қиз хизмат қилади, – дейди капитан Б. Мирзаева. – Улардан 70 нафари шаҳодатланган, қолгани эркин ёлланган ишчи-хизматчилардир. Уларни қўллаб-қувватлаш, шарт-шароитларини ўрганиб чиқиш муҳим масаладир.

Дарвоқе, Б. Мирзаева маҳоратли спортчи. У Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси аъзоси, 1-ДАН қора белбоғ соҳибаси, 3 карра Ўзбекистон чемпиони ва 2 карра халқаро мусобақалар ғолибаси, спортнинг қўл тўпи тури билан ҳам шуғулланиб, 2002 йилда «Энг яхши дарвозабон» номинацияси ғолиби бўлган. Бир неча йилдан буён ходималар ўртасида ўтказилаётган кўпкураш спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Қаҳрамонимиз ўзининг биринчи иқтидор қирраси билан спортдаги ютуқларига эришган бўлса, унинг адабиётга ошно қалбида мавжланиб, қоғозга кўчган шеър ва ҳикоялари, «Ой шуъласи» номли шеърлар тўплами иккинчи бир истеъдодидан дарак.

Тўмариснинг шижоати, Бибихонимнинг ақлу заковати, бешик қучиб айтган алласининг ҳар байтида дилбандига маърифат улашиш ҳар бир ўзбек аёлининг фитратига сингиб кетган. Юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилиши анъанага айланган «Йил аёли» кўрик-танлови аёлларга ҳар жиҳатдан қобилият ва ташаббусларини намойиш этиш имконини бермоқда. Капитан Барнохон Мирзаева ҳам 2017 йилда ушбу танловнинг республика босқичида «Йилнинг ватанпарвар аёли» номинацияси ғолиби бўлиб, шарафли касбида собитқадам эканлигини яна бир бора намойиш эта билган.

Барнохоннинг турмуш ўртоғи, «Жасорат» медали соҳиби, катта сержант Жўрабек Баймирзаев айни пайтда Андижон вилояти ИИБ ТВБСО катта мутахассиси сифатида хизмат олиб боради. Улар тотувликда бунёд этган оила ошёнида тўрт фарзандини ҳамжиҳатликда авайлаб, ардоқлаб улғайтирмоқда. Барнохон инглиз тили билимдони сифатида фарзандларининг хорижий тилларни ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратса, Жўрабек уларни спортга ошно этувчи жонкуяр мураббий. Хуллас, бу икки масъулияти оғир касб эгалари фарзандларини етук шахс сифатида улғайтириш, эл корига елка тутгувчи инсонлар бўлиб етиштириш ниятида жон койитади.

Ҳаёт турфа ранглардан иборат. Инсон улғайгани сари уни ёрқинроқ ҳис қилади. Буни капитан Барнохон Мирзаева ўзининг интилишлари, ғайрат-шижоати, шу азиз тупроққа бўлган фарзандлик меҳр-муҳаббати, ҳаётчан нигоҳи билан англашда давом этмоқда. Унинг:

***Салобатинг юксак,***
***одиминг дадил,***
***Чексиз садоқатим***
***меҳримга жодир.***
***Тасвиринг чизмакка***
***қайси ранг қодир?***
***Ватан, сувратингни***
***чизгим келади,***

деган мисраларидан буни қалбан ҳис этиш мумкин.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

УЧИНЧИ СЕКТОР

# КАТТА АВЛОД ИШИНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ

**Навоий вилоятида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари туманларга ташриф буюрди.**




Дастлаб вилоятнинг 3-секторига қарашли Хатирчи тумани ёшлари билан учрашув ўтказилди. Уларнинг муаммо ва таклифлари атрофлича ўрганилиб, туманда замонавий кутубхона ташкил этиладиган бўлди. Навбаҳор туманига ташриф чоғида ёшларнинг тадбиркорлик ва имтиёзли кредит маблағлари ажратиш масаласида 12 та, бандлик ва ишга жойлашиш масаласида 9 та, бошқа масалаларда 12 та мурожаати қабул қилинди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг галдаги учрашуви Ғозғон шаҳрининг ёшлари иштирокида ташкил этилди. Тадбир давомида 50 нафардан ортиқ ёшлар томонидан турли йўналишда муаммо ва таклифлар айтиб ўтилди. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларига махсус логопед мутахассисларни жалб этиш борасида таклиф билдирилди.

Бу каби учрашувлар қамровини кенгайтириш мақсадида вилоят телевидениесида Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатидаги янгиликлар, ҳудудларда олиб борилаётган амалий жараёнларга бағишлаб Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Кармана туманлари ИИБ раҳбарлари ҳамда мутасадди ташкилотлар масъуллари иштирокида жонли мулоқот ташкил этилди. Мулоқот давомида туманларнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан жавоб олишди, мутасаддиларга 120 нафардан ортиқ ёшлар томонидан турли соҳалар бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Эндиликда учрашув ва очиқ мулоқотлар давомида билдирилган таклифларни ҳамда ишчи гуруҳ тавсияларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Зеро, ёшлар бугуннинг ниҳоллари, эртанинг эгалари, катта авлод ишининг давомчиларидир. Уларнинг муаммоларини тинглаш ва ўз ўрнида бартараф этиш келажак учун яратилган мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

**Азиз РАФИЕВ,**
**подполковник.**
*Навоий вилояти.*



БИЗНИНГ СУҲБАТ

# АМИР ТЕМУР ВА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИНФЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



*Маълумки, жорий йил 12 январда Қуролли Кучлар Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш. Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтган эди. Йиғилишда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини ошириш борасида амалга оширилган ишлар, Қуролли Кучларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари батафсил сарҳисоб қилинди.*

*Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича муҳим кўрсатмалар берди.*

*Ушбу кенгайтирилган йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар (ХАХТБҚ)да ҳозирги кунда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қўшин қўмондонининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи, полковник Иқболжон Тўхтасинов суҳбатимиз давомида юқоридаги саволга атрофича жавоб қайтариб, қуйидагиларни гапириб берди.*

– Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаси айни дамда Қуролли Кучларимизнинг ҳозирги кундаги мудофаа салоҳияти ва жанговар қобилиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг мафкуравий онги ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси борасида ислоҳотларни изчиллик билан такомиллаштиришга яна бир бор туртки бўлди, десам, асло муболаға бўлмайди.

Мазкур йиғилишдаги кўрсатмалардан келиб чиқиб, ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлари қўмондонлиги томонидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилда амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб олиш учун «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

**«Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ, қўшин қўмондонлиги ва унинг тасарруфидаги алоҳида батальонларда Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди синфлари ташкил этилиб, мазкур синфлар ёшларни ватанпарвар, мард ва жасур, Ватанга ва қасамёдига садоқатли этиб тарбиялашга хизмат қилади.**

Шу билан бирга, қўшин қўмондонлиги ва унинг тасарруфидаги алоҳида батальонларга улар яқинида жойлашган ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари ва ўрта таълим ўқув муассасалари бириктирилиб, ушбу таълим масканларида болалар ва ёшлар билан мунтазам равишда «Жасорат» ва «Шон-шараф» дарслари ташкил этилади. Бундан кўзланган муддао келажагимиз эгаларида Ватанга муҳаббат, юрт истиқболи учун масъуллик туйғуларини кучайтиришдан, ҳарбийлик касбига қизиқиш уйғотишдан иборатдир.

Зиммамизга юклатилган жанговар вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида қўшин таркибидаги алоҳида батальонларни тезкор бошқарув тизими жорий қилиниб, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилиб, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ҳарбий хизматчиларнинг малакасини ошириш ва шахсий таркибни замон талабларига мос келувчи зарур техник воситалар билан таъминлаш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади.

Келгусида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини такомиллаштириш ҳамда мутахассисларимизни бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражада тайёрлаш мақсадида зирҳли техникалар ва қурол-аслаҳаларни қўллаган ҳолда амалий дала-ўқув машғулотларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Қўшинлар бошқарув тизимини янада такомиллаштириш учун штаб офицерлари, командирлар ва раҳбар ходимлар билан ўқув йиғинлари, қўмондонлик-штаб машғулотлари ўтказилади.

Шу пайтгача бизда мактаб ўқувчилари учун вақти-вақти билан «Очиқ эшиклар» куни ўтказиш яхши анъанага айланган бўлса, энди ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудуддаги уюшмаган ва профилактик назорат остида бўлган ёшларнинг ҳарбий қисмларга ташрифини ташкил этишни режалаштиряпмиз. Шу тариқа Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар бир юрт фуқаросининг бурчи эканлигини, мардлик ва садоқат каби тушунчаларни улар онгига сингдирамиз, тинчлик-осойишталикнинг бебаҳо неъматлигини тушунтирамиз.

**Ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида ИИВ қўшинлар қўмондонлиги вакиллари ҳар ойда камида бир маротаба ёш ҳарбий хизматчилар, олий таълим муассасалари талабалари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билан очиқ мулоқотлар ўтказиши одат тусига киради.**

Шахсий таркиб онгига буюк аждодларимизнинг Ватан озодлиги ва тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратларини сингдириш мақсадида ҳудудлардаги тарихий обидалар, қадамжолар, музейлар, хотира майдонлари, пойтахтимиздаги «Шон-шараф» музейи ҳамда «Ғалаба боғи»га ташрифлари ташкил этиб туриларди. Бундан буён ушбу ташрифлар сонини янада кўпайтирамиз.



Зиммамиздаги жанговар вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳамкор куч тузилмалари билан биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳам давр тақозосидир. Халқаро аэропортларнинг хавфсиз қўриқланиши ҳамда уларда жамоат тартибини сақлаш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни, ҳарбий хизматчиларни хорижий давлатларда ўқитиш ва тажрибасини оширишни ҳам олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Шахсий таркибнинг хизмат ва ўқиш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳарбий қисмлар инфратузилмаларини замонавийлаштириш, спорт мажмуалари барпо этиш ҳамда панорамали ўқ-отиш тренажёрлари билан жиҳозлаш, аэропортларни замонавий муҳандислик-техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш, уларда учувчисиз учиш аппаратларига қарши ҳимоя тизимини яратиш ҳам режамизда бор.

Афсуски, ҳозирда қўшинларимиз таркибида уй-жойга муҳтожларнинг атиги 3 фоизи турар жой билан таъминланган, холос. Ходимларимизни уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштиришимиз зарур.

Хуллас, режаларимиз улкан. Олдимизда бирбиридан масъулиятли вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш, юртбошимизнинг кўрсатмаларини бажариш борасидаги саъй-ҳаракатларни аллақачон бошлаб юбордик.

**Суҳбатни Ўктамжон МУСУРМОНҚУЛОВ ёзиб олди.**







С НОВОСЕЛЬЕМ!



# СДАНЫ НОВЫЕ КВАРТИРЫ

**В нашей стране особое внимание уделяется созданию достойных условий жизни для работников правоохранительных органов и их семей.**

В городе Ургенче Хорезмской области сдан в эксплуатацию 30-квартирный пятиэтажный жилой дом для сотрудников органов внутренних дел.

В торжественной церемонии, состоявшейся по этому поводу, принял участие заместитель министра внутренних дел Республики Узбекистан полковник Р. Хатамов.

Выступивший с речью начальник УВД Хорезмской области генерал-майор Д. Назармухамедов подчеркнул, что стражи порядка вносят достойный вклад в обеспечение мира и спокойствия в стране, предотвращают правонарушения, борются с преступностью. Он искренне поздравил сотрудников и их семьи с новосельем.

Выступавшие отмечали масштабную и созидательную работу, проводимую в нашей стране, благодаря которой ощущаются существенные изменения в социально-экономической, духовной сферах, и данное мероприятие является отражением осуществляемых преобразований, после чего ключи от квартир торжественно передали стражам правопорядка.





Участники мероприятия посетили новое жилье и ознакомились с созданными условиями. Они отметили комфорт и удобство, а также то, что интерьер комнат выполнен в национальном стиле.

Работникам строительных компаний, принимавшим активное участие в строительстве жилого дома, были вручены почетные грамоты и ценные подарки от УВД Хорезмской области.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Хорезмская область.*

ПРЕДАННЫЕ СВОЕМУ ДЕЛУ

# ПОЧЕРК МАСТЕРА

**«В профессию эксперта-криминалиста приходят по призванию. Сотрудники нашей службы ежедневно принимают решения в ситуациях, когда нет права на ошибку. А это – огромная ответственность», – говорит старший эксперт экспертно-криминалистической группы ОВД Куйичирчикского района Ташкентской области подполковник Аброр Фозилов.**

За плечами героя очерка более 20 лет службы в органах внутренних дел.

– Сложилось так, что в 2000 году, после окончания физического факультета ТашГУ (ныне НУУ им. Мирзо Улугбека) и некоторого периода преподавательской деятельности, я пришел служить в экспертно-криминалистическую группу Куйичирчикского РОВД. С того времени и по сей день работаю в ставшем для меня уже родным подразделении, – рассказывает подполковник А. Фозилов.

С признательностью он вспоминает наставников – мастеров своего дела Евгения Пугачёва, Рустама Алишерова, Сергея Жукова, помогавших осваивать тонкости экспертно-криминалистической науки.

За время службы подполковник А. Фозилов зарекомендовал себя как преданный профессии сотрудник, умелый специалист, блестяще проводящий дактилоскопические, трасологические экспертизы. Коллеги ценят его за деловые качества, глубокие знания.

О своей профессии Аброр Ахмаджонович рассказывает с увлечением:

– Главное в работе эксперта-криминалиста увидеть и найти то, что не видят другие



– оставленные злоумышленником отпечатки пальцев, следы обуви, орудия взлома и многое другое. У хорошего эксперта ничего не ускользнет от взгляда. Эти детали помогают криминалисту и другим участникам следствия воссоздать картину преступления.

Сегодня работу экспертов-криминалистов сложно представить без современных цифровых технологий, идентификационных систем, позволяющих в кратчайшие сроки установить личность, а в итоге – раскрыть преступление. В подразделении имеется необходимая техника и оборудование, компьютерные комплексы, сканеры, цветной фотопринтер, цифровые фотоаппарат и видеокамера.

Эксперты-криминалисты за сутки могут осмотреть несколько мест происшествий, выступить в качестве специалиста при проведении следственных действий и ОРМ.

– В минувшем году нами осмотрено 252 места происшествия, и в каждом случае изъяли вещественные доказательства, 426 раз участвовали в оперативно-розыскных мероприятиях и следственных действиях, – отмечает подполковник А. Фозилов. – Кроме того, составлено свыше 4,2 тыс. дактокарт следов пальцев рук подозреваемых, пострадавших, ранее судимых, состоящих на профилактическом учете, а также лиц, склонных к совершению преступлений. Они внесены в базу системы «AFIS-8E». Отмечу, что данная работа весьма результативна: именно на основе исследования следов пальцев рук, обнаруженных на месте преступления, были раскрыты несколько краж, установлены личности двух лиц, а также двух неопознанных трупов.

К опытному сотруднику часто обращаются молодые эксперты, только начинающие свой служебный путь.

– Мой наставник обладает широкой эрудицией, особой интуицией и проницательностью. Аброр Ахмаджонович всегда готов помочь, в любой сложной ситуации даст дельный профессиональный совет, – говорит эксперт лейтенант Сарваржон Рахмонов.

Многолетняя служба подполковника А. Фозилова, его вклад в дело воспитания молодых специалистов достойно оцениваются руководством.

– Целеустремленный, неутомимый сотрудник, на которого всегда можно положиться, – говорит о нем начальник ЭКО ГУВД Ташкентской области подполковник Хайрулло Хасилов. – Считаю, что по итогам минувшего года он заслуженно отмечен как лучший сотрудник экспертно-криминалистической службы ГУВД области.

– Звание лучшего эксперта-криминалиста обязывает служить еще с большей отдачей, прилагая все силы, знания и опыт, – подчеркивает наш герой.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Ташкентская область.*

ТАДБИРКОР ФАХРИЙЛАРИМИЗ

# УМРНИНГ ҲАР ОНИ ҒАНИМАТ

**Вақт, имконият, ташаббус, ҳаракатга яраша барака. Бу ақидани ҳаёт йўлларида ўзи учун шиорга айлантирган истеъфодаги подполковник Абдувоҳид Маҳкамов салкам ўттиз йил ички ишлар органлари тизимида хизмат қилган. Қаҳрамонимиз ҳаёт йўлларига ҳар гал назар солганида, хизматидан кўнгли тўлиб, қалби осмон қадар юксалиб, шукрона келтиради. Аслида бир инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.**




Дарвоқе, Абдувоҳид Маҳкамов ёнғин хавфсизлиги хизматининг бир қатор йўналишларида фаолият юритган. Мутахассислиги инженер-гидролог бўлгани боис хизматга кирган вақтда у «тилсиз ёв»ни бартараф этиш йўлларини ва олдини олиш усулларини ўрганишга қийналмаган. Балки ўзига нисбатан ниҳоятда талабчанлиги туфайли тезда шу хизматнинг илғорларидан бири сифатида ҳамкасбларининг ишончини қозонган. Қайси ҳудудда хизмат олиб боришидан қатъи назар, ёнғинларни камайтириш ва уларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилган.

Абдувоҳид Маҳкамов табиатан жуда қизиқувчан, янгиликка ўч инсон. У пенсияга чиққандан кейин «XXI аср» газетасига реклама бўлими бошлиғи бўлиб ишга киради. Ушбу жараёнда у тадбиркорлар билан суҳбатдош бўлиш асносида бу фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини ўзи учун кашф этади. Унда бизнес режа асосида тадбиркорликни йўлга қўйиш фикри туғилади.

Шундай қилиб, у Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида асаларичиликни йўлга қўйиб, «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмасига аъзо бўлади. Бу соҳанинг машаққатлари ва роҳатини бирдек туйган тадбиркор эндиликда ўрганган билими ва тўплаган тажрибасини умумлаштириб, асаларичилик ҳақида китоб ёзиш ниятида. Бу эса соҳа билимдонининг ўзига бўлган ишончидан яна бир нишона. Аслида инсоннинг ўзига бўлган ишончи имкониятларини кенгайтириш, доим жамиятнинг ичида бўлишга ундайди. Абдувоҳид Маҳкамов хайрли амалларини нафақат ўзига бўлган ишонч балки эл-юртга нафим тегсин, деган эзгу ният билан бошлашга ўрганган. Ҳатто фарзандлари, набиралари, маҳалладаги қўни-қўшниларида ҳам шу мақсадни улғайтиришга ҳаракат қилади. Буни унинг «Фарзандларим қурилиш соҳаси мутахассиси, доришунос, иқтисодчи, маҳалламизда вақтини беҳуда сарфлайдиган одамнинг ўзи йўқ, ҳамма бир-бири билан аҳил-иноқ», дея фахрга йўғрилган фикрларидан англаш қийин эмас.

Абдувоҳид Маҳкамов айни пайтда таҳин ҳолва ишлаб чиқарувчи «KIVA SESAME» қандолатчилик цехида менежер бўлиб фаолият юритади.

– Қандолатчилик цехимизда бугунги кунда кунжутга қайта ишлов бериш орқали тўрт хил турдаги, яъни какаоли, хандон пистали, ер ёнғоқли, оддий таҳин ҳолва тайёрланади, – дейди қаҳрамонимиз.

Кунжут тўрт минг йиллик тарихга эга қуёшсевар экин. Унинг гулидан олинган асал ниҳоятда фойдали бўлади. Кунжутдан тайёрланадиган таҳин ҳолва Туркия, Эрон, Кипр, Грецияда энг оммалашган егулик ҳисобланади.

Абдувоҳид Маҳкамовнинг сўзларини тинглар эканмиз, унинг бошлаган ишининг устаси бўлишга астойдил ҳаракат қиладиган серғайрат инсон эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Қолаверса, «Ҳар бир куним баракали ўтсин», деган эзгу истак унинг аъмолига кўчган. Умрнинг ҳар онини ғанимат билиб, қадрлайдиган қаҳрамонимиз оиласи, фарзандларидан ортиб, нафақада ҳам асаларичилик, ишлаб чиқариш цехида менежерлик қиляпти. Спорт машғулотларидан мунтазам сузишга боради, тоғ ён бағрида от миниб сайр қилишни канда қилмайди. Эзгу мақсадни улғайтирган инсоннинг омади, бахти унинг бахтиёр ҳар кунига кўчган, десак, тўғри бўлади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

## ТАҲИН




**ТАҲИН** – кунжут донини эзиш орқали тайёрланадиган ҳолва. Ушбу маҳсулот Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг истеъмол қилинади. Таҳин Е, С, В витаминларга бой таркиби билан инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали қандолат маҳсулотидир.

Таҳин, биринчи навбатда, болаларнинг ақлий ривожланиши, катталарда оғир металлар, заҳарли бирлашмалар, радиация ва баъзи дорилар вужудга келтирган токсинларга қарши ҳимояни таъминлайди. Шунингдек, суяк ривожланиши, сафро тошларини тушириш, Бронхит касалликларида ҳам самаралидир.

Кексалик билан боғлиқ хотира сусайиши (Альцгеймер)нинг олдини олиш бўйича ижобий таъсир қилиши мутахассислар томонидан олиб борилган тажрибаларда тасдиқланган.

Таҳинда мавжуд бўлган Е витамини кучли антиоксидант бўлиши билан бирга, одам танасини катта миқдорда энергия билан таъминлайди. Яраларнинг битишини тезлаштиради.

Таҳин турли таомларнинг муҳим таркибий қисми сифатида озиқ-овқат саноатида ҳам кенг оммалашган. Чунки кунжутнинг ёқимли таъми ҳар қандай таомга маза қўшади. Хусусан, соуслар тайёрлашда, қандолат маҳсулотларида ва бошқа таомларда муҳим ингридиент ҳисобланади.

## ПЕКМЕЗ




**ПЕКМЕЗ** – узум шиннисидир. У юртимизнинг серқуёш иқлим шароитида пишиб етилган, шираси тилни ёрар узумлардан тайёрланади. Узум шинниси таркибида органик бирикмалар, минераллар ва витаминлар мавжуд. Шу сабабли у таркибида шакар бўлган бошқа сиропларга қараганда анча устун туради. Бу табиий соф маҳсулот ақлий фаолиятни тиклашда кони фойда экани баробарида, камқонлик ва бошқа касалликларда шифобахш хусусиятлари билан асқатади.

Пекмезни таркиби углеводлардан ташкил топган аъло даражадаги энергия манбаси, дейиш мумкин. Унинг 100 граммдаги калория миқдори 70 ккал.ни ташкил қилади.

Шарқона одатларга кўра, пекмез эрталабки нонуштада дастурхон безагидир.

*(Реклама ҳуқуқи асосида).*

СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРДА

# ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**Пахтакор тумани ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи барча зарурий ускуна ва жиҳозларга эга. Гуруҳимиз жойлашган бинода мурожаат этувчилар учун қулай шароитлар яратилган. Мазкур жиҳатлар фуқаролик паспортини белгиланган муддатларда ортиқча оворагарчиликларсиз расмийлаштириш имконини бераётир. Чунончи, туманда яшовчи паспорт олиш ёшида бўлган 50 минг 195 кишининг барчасига биометрик паспортлар расмийлаштирилишига эришилди.**



Ўтган йил давомида ходимларимиз бошқа соҳавий хизматлар вакиллари билан биргаликда 1 минг 765 кишининг фуқаролик паспортига оид қонунларга амал қилишини ўрганди. Бу жараёнда 237 кишининг турли даражадаги қонунбузарликларга йўл қўйгани аниқланди ва мазкур камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Қонунбузарлар жаримага тортилиб, 24 миллион 619 минг 200 сўм маблағ давлат фойдасига ундирилди. Шу билан бирга, фуқаролик паспортини йўқотганлар ёки яроқсиз ҳолатга келтирганлар ҳамда фуқаролик паспортининг амал қилиш муддатини ўтказиб юборганлар келгусида бу каби қонунбузарликларга йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирилмоқда.

2020 йилда туманимизда 714 киши доимий рўйхатдан чиқарилган бўлса, 751 киши доимий рўйхатга киритилди. Бу даврда 168 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилди. 87 нафар фуқаролиги йўқ шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, ўтган йили 177 нафар чет эл ҳамда МДҲ давлатлари фуқаролари вақтинчалик рўйхатга олинди. Айни вақтда 168 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Пахтакор туманида доимий рўйхатдан ўтган ҳолда истиқомат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида жорий йилнинг илк иш кунидан бошлаб биометрик паспортлар ўрнида идентификация ID-карталарни расмийлаштиришни бошлаб юбордик. Айни мақсадда аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

**Аброр ҚЎШМОНОВ,**
**катта лейтенант.**
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган суратлар.**
*Жиззах вилояти.*






**– Шахс ўн саккиз ёшда, лекин ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан ўз вақтида фуқаролик паспорти ололмаган. У жарима тўлайдими?**

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддасига асосан бундай ҳолатда фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Яъни, жарима тўламайди.

**– Фуқаро паспорт тизими қоидаларини бузса, унга қанча миқдорда жарима солинади?**

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддаси (паспорт тизими қоидаларини бузиш)да кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солинади.

# «ҚИЗИЛ ПАСПОРТ», ҚОИДАБУЗАРЛАР УЧУН ЖАРИМА ВА МАҲКУМНИНГ ПАСПОРТИ...



**– Кимдир бошқа шахсга тегишли фуқаролик паспортидан ноқонуний фойдаланса, қонунда унга нисбатан қандай жазо кўзда тутилган?**

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $223^{1}$-моддаси (паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш)да кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солинади.

**– Бир нечта уйга ёки хонадонга эга бўлган мулкдорни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби қандай? У мулкнинг ҳаммасида доимий рўйхатга олиниши керакми?**

– Йўқ, фуқаро улардан фақат биттасига доимий рўйхатга қўйилиши мумкин.

**– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вафот этган шахснинг паспорти қаерга топширилади?**

– Шахс вафот этса, унинг паспорти Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идорасига топширилади. Ушбу идора ҳужжатни йўқ қилиш мақсадида ДПМга топшириш учун маълумотларни йиғиш пунктига жўнатади.

**– Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини персоналлаштириш қайси ташкилот томонидан амалга оширилади?**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан.

**– 16 ёшдан ошган шахсларга хорижга чиқиш учун биометрик паспорт қанча муддатгача берилади?**

– 10 йил муддатга.

**– Яқинда хорижга сафар қилмоқчиман. Бунинг учун хорижга чиқиш биометрик паспорти керак бўлар экан. Агар тегишли жойга мурожаат қилсам, хорижга чиқиш учун биометрик паспорт неча кунда берилади?**

– 10 иш кунида.

**– Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалда қўлланилаётган 2011 йилги намунадаги биометрик паспортидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатларга қачонгача чиқишлари мумкин?**

– Бу қоиданинг амал қилиш муддати 2021 йилнинг 1 январига қадар эди. Энди барча давлатларга ҳам фақат хорижга чиқиш биометрик паспорти билан чиқиш мумкин.

**– Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти қаерда сақланади?**

– Бундай тоифадаги шахсларнинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасида сақланади.



**– Кимлар хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш чоғида давлат божи тўлашдан озод қилинади?**

– Тўлиқ давлат таъминотида бўлган шахслар биометрик паспортини расмийлаштириш чоғида давлат божи тўлашдан озод қилинади.

**– Табиий офатлар (ёнғин, сув тошқини, зилзила ва бошқалар) оқибатида паспортлари йўқолгани тўғрисида ариза билан мурожаат қилган ва бу ҳолатларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладими?**

– Бундай шахслар маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

**– Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларига риоя қилмаган чет эл фуқаролари қандай миқдорда маъмурий жавобгарликка тортилади?**

– Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 225-моддасига асосан, чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча прописканинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлиги, бўлиш муддати тугагач, чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига ўн суткагача риоя этмаганлиги базавий




ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Агар чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини ўн суткадан ортиқ, аммо ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга бузса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида, ўттиз суткадан ортиқ муддатга бузса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима тортилади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун ушбу модданинг 1–3 қисмларида белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йил муддатга чекланган ҳолда, мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда, Республика ҳудудидан чиқариб юборилади.

**Саволларга ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси инспектори, катта сержант Ҳасан ТУРҒУНОВ жавоб берди.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ



# ОДАМИЙЛИКДАН САБОҚ БЕРУВЧИ БУЮК МУРАББИЙ

**Инсон борки, доим ўзлигини англаш ҳаракатида. Бутун ҳаёти ўзини таниб олишга сарфланади. Негаки, ўзни топмоқ ва билмоқ оламни билмоқ ва тушунтирмоқдан мураккаброқдир. Алишер Навоий одамзот тириклигининг азалий бу чалкашлигини «Эл нетиб топғай мениким, Мен ўзимни топмамон», дея ифодалайди. Одам ўзини танишга интилиб, маънавий илдизларига бефарқ қарамагандагина баркамол шахс бўлиши ва атрофдагиларга манфаат келтириши мумкин. Қорнидан ўзга қайғуси йўқ кимсанинг нафақат ўзгалар, ҳатто ўзига ҳам фойдаси тегмайди.**

Алишер Навоий ижодини бошдан-оёқ инсонга ўзлигини танитиш учун курашиш маҳсули, дейиш мумкин. Унинг катта-кичик ҳар бир асарида буюк мутафаккирнинг олам, одам ва одамийликнинг моҳияти тўғрисидаги қарашлар акс этади. Даҳо битган ҳар бир асар тирикликнинг моҳияти борасидаги шиддатли ва оғриқли ўйлар маҳсулидир. Ҳазрати Навоийнинг ***«Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...»*** мисраси билан бошланадиган машҳур таржиъбандида умр мазмунини топмоқчи бўлган одамнинг туйғулари акс этади.

Навоий чегара билмас олам, таърифга сиғмас даражада сиру синоатга, гўзаллигу тароватга эга дунё одам учун яратилганлигини ўз асарларида ишонарли асослаб берган мутафаккирдир. Шоир одам мартабасининг юксаклигини унинг яратилиш мантиғига таяниб изоҳлайди. Унинг талқинига кўра, одам дунё борлигининг оқибати эмас, балки олам яратилишининг сабабидир. Инсоннинг табиати, қалби, туйғулари, тафаккури барча гўзаллигу эзгуликдан шодланадиган, ҳар қандай қабоҳату иллатдан озорланадиган ҳамда озор берувчига қўли, тили ёки дили билан қаршилик қила оладиган тарзда шакллансагина, яратилишида кўзда тутилган баланд мартабага лойиқ бўлади.

Одам борлиғигини ташкил этган уч бирликка мос равишда Яратган томонидан унга жисмоний, нафсоний ва руҳоний сифатлар ҳам берилган. Бу сифатлар уйғунлиги ҳам инсонни ўз-ўзидан мукарраму мўътабар қилолмайди. Осон авжланадиган нафсоний майлларни жиловлаб, руҳоний жиҳатларни ривожлантириш учун одамга одамийлик зарур. У ўзидаги нафс хуружлари, лаззатларга майл каби ожизликларни енгиб, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўла олсагина азизлик рутбасига кўтарилади. Демак, одам одамийлик даражасига етишиш учун ўз маънавий дунёсини поклаши керак бўлади. Бу эса осон юз берадиган кечим эмас:

***Тухм ерга тушиб, чечак бўлди,***
***Қурт жондан кечиб, ипак бўлди.***
***Лола тухмича ғайратинг йўқми?***
***Пилла қуртича ҳимматинг йўқми?***

Лола уруғи ерга тушиб, чечакка, пилла қурти жонидан кечиб, ипакка айланганি каби, одам ҳам ўз нафсини, лаззатга ўчлигини енга олса, юксалади, одамийликка эга бўлади. Ғоят мавҳум руҳий-маънавий ҳолатни бу қадар моддий қилиб тасвирлаш учун Навоийга хос доҳиёна истеъдод керак бўлади.

Ижтимоий турмушнинг ҳақиқати шундаки, одам таянадиган қадриятлар қанчалик эзгу бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади. Аксинча, ўткинчи қадриятларга асосланган жамият таназзулга юз тутади. Ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳам, ҳар қандай жамиятнинг ҳам, бутун кишиликнинг ҳам қандай хулқий сифатларга, тафаккур йўналишига эга бўлиши таяниладиган маънавий ҳадафларига боғлиқ. Қадриятлар тизимидаги эврилишлар жамиятни ўзгартириб юборади. Шунинг учун ҳам ўзини мукаррамcановчи инсон маънавий ўрнаклар тозалиги хусусида қайғуриши, ғам чекиши лозим.

Алишер Навоий одам кўнглининг ғамсизлиги нафақат унинг ўзи, балки бошқалар учун ҳам улкан дард эканини таъкидлайди. Негаки, ғам камлиги кишида бировга ҳамдардлик йўқлиги ва ўзга тақдирига лоқайдлик белгисидир. Шу боис шоир қайғуради:

***Кўнгил ичра ғам камлиги асру ғамдур,***
***Алам йўқлиғи доғи қатиғ аламдур.***

Ғамсизлик лоқайдликка, лоқайдлик кўникишга, кўникиш фаолиятсизликка олиб келади. Фаолиятсизлик нафақат бир кишининг, балки бутун жамиятнинг нурашига ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун шоир одамни куюнчакликка, курашларга чақиради. Унинг

***Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё раб,***
***Ишқ ичра мени йўқ айла, ё раб!***

сатрлари ана шу чорлов ифодаси ўлароқ жаранглайди.

Ҳар қандай жамият ўз аъзоларининг хатти-ҳаракати, дунёқараши, интилиш ва яшаш тарзи муайян маънавий идеалларга мос бўлишини истайди. Чунки жамиятнинг қандайлиги ўша идеалларнинг моҳияти ва одамларнинг уларга қанчалик амал қилаётганига боғлиқ. Маънавият ўзбек учун шунчаки ахлоқий нормаларга риоя қилиш эмас, балки ҳаёт-мамот масаласидир. Амалга оширилиши кўзда тутилаётган барча ижобий ўзгаришлар олдин баркамол маънавият эгаси бўлмиш кишиларнинг кўнгил мулкига айлангандагина кутилган самарани бериши мумкин. Бунинг учун Алишер Навоий Ватанга шунчаки бошпана, яшайдиган манзил деб қарамайди, уни юрт аҳли маънавиятига кўчгандагина қиммат касб этадиган тушунча ҳисоблайди. Шоирнинг Ватан туйғуси ғоят теран ва кўп қиррали. Мутафаккир ватанни ватандошларга қарши қўймайди, юртни юрт аҳлидан ташқарида тасаввур этмайди. Унингча, ватан миллат аҳлини бахтли қилиши зарур. Шоир наздида, Ватан кўнгилдан ташқарида қолса, ватан эгалари ўз юртларида асоссиз ғам кўришлари ва унинг ўзи сингари

***Навоий, ватан бўлди манзил манга,***
***Бу манзилдан аммо не ҳосил манга?***

дея андуҳ чекишлари мумкинки, бу оғир кўргуликдир.

Навоий одамни яхшилаш учун жамиятни ўзгартириш керак, дегувчилардан фарқли ўлароқ, жамиятни яхшилаш учун инсонни ўзгартириш лозим, оламни яхшилаш одамни яхшилашдан бошланади, деб ҳисоблайди. Ҳар қандай жамият унинг аъзолари камолоти натижасида ва фуқароларнинг баркамоллиги даражасида такомиллашади деб ўргатади. Бу фалсафий қараш инсон омилини юксалтиради. Одам ўз хулқининг ҳам, ўзи яшаётган жамият маънавиятининг ҳам ижодкори ва айни шу сабабли ҳам у ўз тақдири ва замондошларининг маънавияти учун жавобгардир.

Одамнинг одамийлиги унинг ўз ҳаётигагина эмас, балки яшаётган жамият тараққиётига ҳам таъсир кўрсатар экан, у ўз ҳолига ташлаб қўйилмаслиги керак. Ҳар бир одамда Яратган томонидан берилган асл маънавий фазилатлар билан бирга, тарбия ёрдамида шакллантириладиган ахлоқий сифатлар ҳам бўладики, жамиятнинг барча соғлом кучлари ана шу сифатларнинг имкон қадар эзгу қилиб таркиб топтирилишига йўналтирилиши зарур. Навоий тарбияни ёмондан яхши, ҳаромдан ҳалол ясаши мумкин бўлган катта маънавий қудрат, деб билади. Унинг кучидан тўғри фойдаланиш жамият аъзолари маънавиятининг юксалишига хизмат қилиши ҳақида ёзади:

***Итки таалумда чу бўлди камол,***
***Сайд анинг оғзида ўлди ҳалол.***

Бу мисраларда оғзи теккан нарса ҳаром саналиб, қатрон қилиниши керак бўлган ит тарбия кўрганлиги туфайли унинг оғзидан олинган ўлжа ҳалол ҳисоблангани каби, одам тарбия туфайли юксалиши, аксинча, тарбияга бепарволик уни одамийликдан чиқариши мумкинлиги образли акс эттирилган.

Мутафаккир юртни обод, элни шод кўришни одамийликда, деб билади. Ҳаётдаги нотўкислик ҳамда адолатсизликларнинг илдизи қаердалигини астойдил излаган шоир шундай ҳаққоний хулосага келади:

***То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,***
***То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,***
***То зулму ситам жониға бедод ўлмас,***
***Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.***

Бу рубоийсида шоир очкўзлик ва тўймаслик хирмонлари совурилмай, нафс ва манманлик қасри йиқилмай, зулм билан ситамнинг жонига жабр қилинмай туриб, эл шод, мамлакат обод бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлар экан, юрт аҳли, айниқса, элни бошқариш даъвосидаги амалдорларда эзгу маънавий сифатлар бўлишини орзу қилади.

Шоир миллатни камолотга олиб борадиган, ижтимоий муносабатларда адолат бўлишини таъминлайдиган одамийлик сифатларини таркиб топтиришда ҳушёр бўлишга ундайди. Дарҳақиқат, миллий маънавият миллий қиёфа ва миллий табиатнинг қандайлигини белгилайди. Миллий маънавият унсурлари чуқур этник ва ҳаётий асосларга эга бўлгандагина эзгулик касб этади. Шу боис миллий маънавият учун асос қилиб олинадиган ахлоқий сифатлар тизимини танлашда хотиржамлик қилиб бўлмайди.

Жамият аъзоларининг маънавиятини белгиловчи ўлчовлар миллат руҳияти, унинг фикрлаш ва яшаш тарзига мувофиқ келувчи мустаҳкам фалсафий-ахлоқий пойдевор устига қурилгандагина юртнинг тараққиёти таъмин этилиши мумкин. Алишер Навоийнинг асарлари ҳеч туганмас, олингани сари бойлиги ортиб борадиган маънавий хазинадир.

Маънавият ўзини таниш, ўзини ўзгалар назари билан, ўзгаларни эса ўз назари билан тафтиш қила билиш демакдир. Ҳар бир алоҳида шахс ва бутун жамиятнинг кучи фуқаролар маънавиятини соғлом асосларда шакллантиришга йўналтирилиши керак. Шахснинг маънавий комиллиги жамиятнинг одиллигига, жамиятнинг одиллиги маънавиятнинг юксаклигига, маънавиятнинг юксаклиги эса шахс камолотига таъсир ўтказаверади. Шахс, жамият ва маънавиятнинг ўзаро уйғунлиги, шу тариқа, инсоният тараққиётининг асосий омили бўлиб қолаверади. Бу жабҳада буюк Навоийнинг битганлари тенгсиз бир қуролдирки, ундан тўғри фойдаланиш улкан маънавий ғалабаларга гаров бўлади. Бунинг учун элнинг асл фарзандлари ғафлатни тарк этишлари жоиз. Зеро, Навоий бежиз:

***Беишқ улусқа ком уйқу,***
***Ишқ аҳлиғадир ҳаром уйқу,***

демаган. Чиндан ҳам кўнгли юксак туйғуларга ёт кимсалар учун уйқу мақсад, ҳаловат, орзу бўлса, қалби ҳақ ва халқ ишқи, ҳақиқат ва адолат севгиси билан тўла инсонлар учун ҳаромдир. Ҳазратнинг маънавий уйғоқлик йўлидаги чорлови кўпчиликни уйғотишига ишонамиз.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор.**








ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ЖАСУР, ИРОДАЛИ, МАСЪУЛИЯТЛИ



**Жиноятчиликка қарши курашиш, юрт тинчлиги ва эл осойишталигини таъминлаш Жиззах вилояти ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди катта мутахассиси, катта сержант Шуҳрат Рауфжонов умрининг мазмунига айланган.**

Зомин туманидаги Гулшан қишлоғида туғилиб ўсган Шуҳратнинг ички ишлар органлари ходимлари сафига кириб қолиши бироз қизиқ кечган. У болаликдан Қуролли Кучлар махсус отряди аскари бўлишни орзу қиларди. Айни мақсадда 5-синфда ўқиб юрган кезлари Зарбдор туманидаги спорт мактабида каратэ сирларини ўзлаштира бошлади. У қисқа вақтда ўзини намоён этди. Аввал туман, кейин вилоят миқёсидаги беллашувларда юқори натижаларга эриша бошлади. Ҳатто республика мусобақаларида битта олтин, битта кумуш медални қўлга киритди.

Лавҳамиз қаҳрамони касб-ҳунар коллежини тамомлаб, муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтганидан сўнг профессионал ҳарбий бўлиш иштиёқида ҳужжатларини тўплай бошлади. Аммо ички ишлар органлари тизимида ҳам махсус отряд мавжудлигидан хабар топгач, ўйлаб ўтирмасдан, режасини ўзгартирди. 2008 йилда ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида сабоқ олди. Ички ишлар органларидаги фаолиятини 2009 йилда Жиззах вилояти ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядида ҳайдовчи лавозимида бошлади. Бу вазифа уни спортдан заррача узоқлаштирмади. У ҳам отряднинг барча ходимлари сингари, ҳар куни 6 соат вақтини жисмоний ва жанговар тайёргарликка сарфларди. Аммо Шуҳрат касб тақозосидан келиб чиқиб, спорт соҳасидаги йўналишини бироз ўзгартирди. Энди у қўл жанги билан шуғуллана бошлади.

Қисқа вақтда Шуҳрат Рауфжонов шахсий таркиб орасида жасур, иродали, масъулиятли, ҳар қандай ҳолда, суянса бўладиган ходим сифатида ҳурмат қозонди. Шу билан бирга, унда яхшигина мерганлик қобилияти борлиги аён бўлди. Айни пайтда отрядда снайпер сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Шуҳрат Рауфжонов вилоят ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядининг спорт соҳасида эришаётган ютуқларига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, 2019–2020 йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида уюштирилган 10 дан ортиқ мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. 2020 йилнинг февраль ойида Дубайда 30 та давлатнинг 54 та махсус отряди вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган 10 нафар ички ишлар органлари ходими орасида Шуҳрат Рауфжонов ҳам бор эди. У мазкур мусобақада олтин медалга сазовор бўлди.

Унинг спортда эришаётган ғалабалари, хизматда қўлга киритаётган ютуқлари муносиб эътироф этилмоқда. Президентимиз фармонига биноан, Шуҳрат Рауфжонов ўтган йили Ички ишлар органлари ходимлари куни арафасида «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Хизматимнинг бундай юксак баҳоланиши мени тўлқинлантириб юборди, – дейди катта сержант Шуҳрат Рауфжонов. – Келгусида бир қатор халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шон-шуҳратини оширишга ҳисса қўшиш ниятим бор. Фурсатдан фойдаланиб, ички ишлар органлари ходими сифатида шаклланишимга яқиндан ёрдам берган Юсуф Боиров, Исоқ Юнусов, Жамшид Ўролов, Ғулом Маманазаров каби устозларимга миннатдорлик билдираман.

Шуҳрат Рауфжонов ўқиб-ўрганишдан, изланишдан чарчамайдиган ходим. 2019 йилда у ИИВ Академиясига сиртдан ўқишга кирди. Шундай йигитлар туфайли юртимизда тинчлик, кўнгилларимизда хотиржамлик барқарор, десак адашмаймиз.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Жиззах вилояти.*



# Результат профессионального труда коллектива

**Майор Фарход Ахмедов еще довольно молод, но уже снискал уважение руководства и коллектива подразделения образцовой службой, оперативной смекалкой и стремлением упорно идти к поставленной цели.**

Уголовный розыск является одним из основных подразделений органов внутренних дел. В оперативники идут по призванию, и никакие трудности не в силах заставить отступить этих сотрудников, ежедневно ведущих борьбу с разного рода преступлениями.

Так и герой нашего рассказа сам он родом из знаменитого г. Чуста Наманганской области. Поступил в Академию МВД Республики Узбекистан. После окончания высшего образовательного учреждения вернулся в родной Чуст и встал в ряды сотрудников органов внутренних дел.

Спустя некоторое время Фарход Ахмедов перешел в УКД ОВД г. Намангана на оперативную работу. Служебный день сотрудника уголовного розыска полон неожиданностей, нештатных ситуаций и прочего, что не дает иной раз и отдышаться, что называется, перевести дух. Преступники разных мастей ведь тоже не дилетанты – они свое ремесло знают крепко, а потому нужно быть начеку, проявлять бдительность и готовность оперативно отреагировать на сложившуюся ситуацию. Многое пришлось повидать Ф. Ахмедову: довелось участвовать в розыске подозреваемых, проводить задержания, раскрывать совершенные преступления.



Сегодня майор Ф. Ахмедов служит в одном из Главных управлений МВД Узбекистана.

– Служить всегда нужно, что называется, с душой, прилагать все усилия, наработанный опыт и навыки. Только тогда можно быть уверенным, что поставленная задача будет обязательно выполнена, – делится Ф. Ахмедов. – В огромной степени это относится к оперативной работе, когда необходимо умело и кропотливо взаимодействовать с имеющейся информацией. Ощущать поддержку сплоченного и дружного коллектива, применять полученные знания, помогать коллегам, делать одно общее дело – самоотверженно и принципиально бороться с проявлениями преступности, – это очень важно. Ведь, что ни говори, а преступники тоже идут в ногу со временем: широко используют современные технологии, развиваются физически. При этом мы просто обязаны быть на шаг впереди, искореняя преступность в самом ее начале.

Следует отметить, что образцовая служба героя нашего повествования не осталась неотмеченной. Недавно, согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О награждении группы военнослужащих и сотрудников правоохранительных органов в связи с 29-летием Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Днем защитников Родины», майор Фарход Ахмедов был награжден медалью «Шухрат».

– В связи с вручением высокой государственной награды, – продолжает Ф. Ахмедов, – хочу от всей души, искренне поблагодарить нашего уважаемого Президента, руководство МВД за высокую оценку моего труда. Считаю, что данная медаль является результатом профессионального труда всего нашего коллектива. Сам впредь продолжу прилагать максимум усилий для того, чтобы оправдать возложенное на меня доверие.

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

**«В своих бессмертных произведениях он воспевал высокие идеалы гуманизма и общечеловеческие ценности, используя огромные возможности, богатство и красоту родного языка, и прочно занял достойное место в сердцах миллионов читателей».**

Из Постановления Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои» от 19 октября 2020 года.



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ВЕЛИКИЙ НАСТАВНИК И ГУМАНИСТ

**Нет, он – не монумент,**
**не памятник холодный!**
**Его душа жива,**
**и слышен сердца стук.**
**И к нам в любой момент**
**призыв его свободный**
**И веские слова**
**приходят вновь и вдруг…**
**Андрей Слоним.**
**«Идущий через века…»**

Выдающийся поэт и мыслитель Востока, государственный деятель, философ Алишер Навои (полное имя Низомиддин Мир Алишер) жил в XV веке (1441–1501). Главные свои произведения он создал под псевдонимом Навои (мелодичный) на литературном чагатайском (староузбекском) языке.

Его творчество дало мощный стимул эволюции литератур на тюркских языках и позволило занять им достойное место на мировой арене. Велико влияние его гениальных произведений на становление и развитие узбекской литературы, а также литератур стран Центральной Азии.

Творческое наследие Алишера Навои огромно и многогранно: оно включает в себя около трех десятков крупных произведений – диванов (сборников стихов), поэм (дастанов), философских и научных трактатов. Используя многовековые культурные традиции народов Центральной Азии и Ближнего Востока, Алишер Навои создал оригинальные, высокохудожественные явления словесного искусства.

Алишер Навои был современником Леонардо да Винчи и Франсуа Вийона, предшественником Шекспира и Сервантеса. Имя поэта стоит в одном ряду с именами Гомера и Данте, Саади и Руставели, Джами и Бальзака, Пушкина и Достоевского.

«Грандиозная фигура Алишера Навои не изолирована в мировой литературе. Творчество великого основоположника узбекской литературы непосредственно перекликается с передовыми идеями его западных единомышленников – поэтов и мыслителей эпохи Ренессанса», – писал известный филолог, академик Виктор Жирмунский.



Всю свою жизнь Алишер Навои совмещал литературное творчество, как бы сейчас сказали, с общественно-политической деятельностью. Будучи человеком высокого положения, он внес значительный вклад в усовершенствование социально-экономической жизни, укрепление мира и согласия в стране. Покровительствовал деятелям науки, искусства и литературы. С восторгом говорит об этом Захириддин Мухаммад Бабур в бессмертном труде «Бабур-наме»: «Неизвестно, существовал ли когда-нибудь другой такой пособник и покровитель людей науки и искусства, как Алишер бек… Мало кому удавалось построить столько полезных зданий, сколько построил он».

Очень точную характеристику устремлениям поэта дал в своем стихотворении уже в XX веке Айбек. По его мнению, вся жизнь, все мысли Навои были посвящены тому:

**Чтоб счастливой сделать страну.**
**Дать ей воду, науке кров**
**И больницы для бедняков.**
**Много дел у него, забот,**
**В мыслях только одно – народ…**

Вершина творчества Навои – знаменитая «Хамса» («Пятерица»), сборник из пяти поэм, основанных на народном эпосе, – популярная в те времена форма изложения философско-художественного мировоззрения. Его трактовка одна из лучших в данном жанре с давних времен до наших дней.

Входящий в состав «Хамсы» и считающийся венцом творчества поэта дастан «Хайрат ул-аброр» («Смятение праведных») – глубоко философичен по своей сути. В центре произведения мысль о том, что из всех существ самым ценным и совершенным является человек. И он должен соответствовать своему божественному назначению на земле. Поэтому многие главы в поэме посвящаются щедрости, благопристойности, воздержанности, верности, преданности, правдивости, пользе знаний, ценности жизни, а также осуждению алчности, корыстолюбия, эгоизма, праздного образа жизни. При этом к каждой из этих глав приводится притча, которая является изумительным образцом новеллы в стихах.

Навои – величайший поэт-лирик, произведения которого переполняет любовь. Причем это чувство во всех произведениях поэта отображает высшую степень душевной красоты. Нужно отметить, что в творениях Навои любовь земная и божественная находятся в гармоничном сочетании.

К примеру, в уже упомянутой поэме «Смятение праведных» Навои пишет: «Божественная любовь подобна солнцу, которое восходит на Востоке. А земная человеческая любовь подобна утреннему рассвету, который порождает восход солнца».

Никто не может быть счастлив без любви: ни высший сановник, ни гениальный ученый, ни талантливейший мастер, утверждает поэт. И он прав, ибо о безответной любви, страданиях Навои знал не понаслышке. Он сам остался на всю жизнь верен однажды пронзившему его сердце чувству.

**Любовь – душа души, она чиста,**
**А без нее мертва и красота.**

Именно в любви, по мнению поэта, заключается смысл жизни, одухотворяющий не только человека, но и само понятие красоты.

Неслучайно чрезвычайно весомое место в творчестве Алишера Навои занимает философско-дидактический трактат, названный «Махбуб ул-кулуб» («Возлюбленный сердец»), написанный не только как некий итог жизненных размышлений, но и как завещание потомкам. Поэтому примечательна возможность оттенков перевода названия: «Книга, близкая сердцам» или «Душевная книга». Думаем, что предложенные варианты более точно передают своеобразное желание автора – создать такую доверительную книгу, которая была бы значимой и желанной для потомков.

«Махбуб ул-кулуб» – это не просто своеобразный свод поучений и наставлений, изложенных высоким поэтическим слогом, а прежде всего демонстрация любви к человеку, убежденность в преобладании в нем добрых и разумных начал.

Творчество великого Навои пронизано призывами к гуманизму и толерантности, следованию высоким духовным ценностям, ибо верил он твердо:

**Дан человеку дар –**
**вершиной быть всему,**
**И суть всего познать**
**назначено ему.**

**Насирулла МИРКУРБАНОВ,**
**профессор Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека.**

## Жемчужины мудрости

**Пускай святыня далека, ступай в суровый путь,**
**А не достигнешь – все равно ей благодарен будь.**

* * *

**За темнотой придет сиянье света,**
**Ты в этой вере будь неколебим.**
**Есть в этом мире верная примета:**
**Над пламенем всегда завесой – дым.**

* * *

**Почет и честь – не в знатности и звании,**
**А в скромности и честном воспитании.**

* * *

**Правдивость речи хороша и гладкость,**
**Но как прекрасна слов правдивых краткость.**

* * *

**Книга – учитель без платы и благодарности. Каждый миг дарит она тебе откровения мудрости.**

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ

# «МАҚСАДИМИЗ – АДАШГАНЛАР ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПСИН!»

**Биринчи марта жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти муайян жазога тортилгач, пушаймон бўлиб, ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишади. Аммо жазосидан тўғри хулоса чиқармайдиган, қайта-қайта қингир ишга қўл урадиганлар ҳам йўқ эмас. Буни айрим жиноятлар айнан судланганлар томонидан такроран содир этилаётганидан ҳам кўриш мумкин.**

Фарғона вилояти ИИБ Пробация бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари жазо муддатини ўтаётган назоратдаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ва уларнинг хулқ-атвори устидан назоратни кучайтириш мақсадида бир қатор аниқ тадбирларни амалга ошириб келишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, назоратдаги шахсларни қайта тарбиялаш борасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу боис тайинланган жазони ўташ тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилган учун 2103 нафар назоратдаги шахс муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.

Фарғона шаҳрида яшовчи 1989 йилда туғилган О. А. 2017 йилда жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди томонидан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. 2018 йилда жиноят ишлари бўйича Пискент туман суди томонидан унинг ўталмай қолган жазоси ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилди. 2018 йилдан бери пробация гуруҳи томонидан назоратда турган бу йигит жазони намунали тарзда ўтаб, ўзини ижобий томондан кўрсатганлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳисобга олиниб, пробация гуруҳининг тақдимномасига асосан суд томонидан шартли равишда жазодан муддатидан олдин озод қилинди.

Ишсизлик кўплаб жиноят ва ҳуқуқбузарликларга замин яратиши мумкин. Шу боис пробация хизмати ходимлари назорат остидаги фуқароларга турли ижтимоий масалаларда, амалий ёрдам кўрсатишади. Масалан, шундай шахслардан 7994 нафарига ишга жойлашишида, 48 нафарига истеъмол кредити берилишида, 717 нафарининг соғлиғини тиклашда, 955 нафарига моддий ёрдам олишда, 274 нафарига маиший ва бошқа масалаларда кўмаклашилди.

Маҳаллий ҳокимликлар, Ёшлар иттифоқи, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, Ижтимоий кўникма маркази, Тиббиёт бирлашмаси ва Халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда бир неча маротаба меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 254 нафар назорат остидаги шахсларни ишга жойлаштирилиши таъминланди. Муайян касбга эга бўлмаган 38 нафар шахс эса касбга қайта ўқитиш курсларига йўналтирилди.

Масалан, Фарғона шаҳри Аэропорт кўчасида истиқомат қилувчи Н.К. содир этган жинояти учун 2020 йилнинг 10 декабрида суд томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган эди. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан кўп ўтмай у «Асрор келажак» МЧЖга ишга жойлаштирилди.

Шаҳарнинг Оқ арик кўчасида яшовчи Э.Х. ҳам 2020 йил 4 декабрь куни Фарғона тумани суди томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилингач, пробация гуруҳи ходимлари уни ҳам тезда ишга жойлаштиришди. Ҳозир фуқаро «Элит қурилиш барака инвест» МЧЖда меҳнат қилиб, ҳам оиласига даромад олиб келяпти, ҳам жазони намунали тарзда ўтаяпти.

– Афсуски, пробация назоратидаги шахслар орасида белгиланган жазоларни ўташдан қасддан бўйин товлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йилда муносиб хулқ-атворда бўлмаган 320 нафар назоратдаги шахсдан 212 нафарининг жазо тури озодликдан маҳрум этиш жазосига, 108 нафарининг жазоси эса озодликни чеклаш жазосига алмаштирилди.



Ўтган йилнинг сўнгги ойларида пробация хизмати ҳисобида турган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш ва улар томонидан қайта жиноят содир этиш хавфини барвақт аниқлаш мақсадида тўлиқ тафтишдан ўтказиб чиқдик. Натижада 309 нафари нотинч, 188 нафари кам таъминланган оилада яшаши, 1641 нафари жиноят содир этишга мойиллиги, 962 нафари жиноят содир этиш хавфи юқорилиги, 120 нафари сурункали ичувчи ва 129 нафари гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиши аниқланди. Ушбу гуруҳлар бўйича алоҳида-алоҳида амалга ошириладиган ишлар режаси белгиланди. Шунингдек, 25 нафар назоратдаги шахс «темир дафтар»га киритилиб, моддий ёрдам берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, назоратдаги шахсларнинг муаммоларини хал этиш мақсадида мутасадди идора ва ташкилотларга 423 маротаба тақдимнома киритилди. 2020 йил давомида 2 маротаба «Пробация ойлиги» ўтказилгани ҳам бу борадаги ишларимиз таъсирчанлигини янада оширди.

Назоратдаги шахсларнинг хатти-ҳаракати, турмуш тарзи ва оиласидаги ижтимоий вазиятни яхшилаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга мураббийлар бириктириб, бўлимда фаолият олиб бораётган психологлар иштирокида мунтазам равишда профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, ходимларимиз адашган шахсларни тўғри йўлга солиш, уларнинг онгу тафаккурида ижобий ўзгаришлар ясаш, давлат, жамият ва ўз оиласига дахлдорлик туйғусини шакллантириш борасида тизимли ишларни йўлга қўйиб, зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришяпти.

**Равшанбек ХОЛДОРОВ,**
**подполковник.**

Вилоят бўйича 7239 нафар шахс пробация хизмати ҳисобида → шундан 2299 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган → 1531 нафарига озодликни чеклаш жазоси тайинланган → 578 нафари муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган → 2585 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этилган → 233 нафари шартли ҳукм қилинган → 13 нафари мажбурий жамоат ишларига жалб этилган

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

# МАҲКУМ НИЯТИДАН ҚАЙТМАДИ...

**Маълумки, жамият тараққиётига рахна солиб турувчи энг хавфли иллат бу – коррупциядир. Одатда коррупция деганда биз кўпроқ пора олиш жиноятини тушунамиз. Ваҳоланки, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш ёки пора беришга далолат этиш каби ҳаракатлар ҳам жиноят саналиб, қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.**

Содир этган жинояти сабаб суд ҳукмига асосан Тошкент вилояти ИИББ П ва ЖИЭБ 43-сон манзил-колонисида жазо муддатини ўтаётган Ш.Х. хатоларидан тўғри хулоса чиқариш ўрнига ана шундай жиноятга қўл урди. Жорий йилнинг 19 январь куни колония тезкор қидирув бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширув давомида унинг ёнидан ИИВнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари талабларига зид равишда интернет тармоқларига уланган, фото ва видео тасвирга олиш имкониятига эга бўлган сенсорли уяли телефон аппарати борлиги аниқланди. Маҳкум ушбу уяли телефон аппаратини қайтариб бериш ҳамда интизомий жазо қўлламаслигини сўраб, тезкор вакил, лейтенант Б. Бойназаровга 500 минг сўм пулни пора сифатида таклиф қилди.

Ходим маҳкумга мазкур хатти-ҳаракати қонунга зид эканлигини бир неча бор тушунтирди. Аммо қилмишига яраша жазодан қандай бўлмасин қутулишни мақсад қилган маҳкум барибир ниятидан қайтмади. Ахири ходим унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, бош бошқарма раҳбариятига билдирги орқали мурожаат этди.

Мазкур билдирги юзасидан шу йилнинг 21 январь куни Тошкент вилояти Бўка туман прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказилди. Натижада Ш.Х. лейтенант Б. Бойназаровга хизмат хонасида 500 минг сўм пулларни бераётган вақтида ИИВ ЎХБ ЖИЭББ бўйича бўлими ходимлари томонидан холислар иштирокида ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан, 2021 йил 21 январь куни Бўка туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Дилшод СИРОЖИДДИНОВ,**
**майор.**

Postda
На посту

ШУНДАЙ МАРКАЗ БОР

# МЕҲРГА ТАШНА ҚАЛБЛАР

**Дунёда инсонга берилган энг бебаҳо неъматлардан бири фарзанддир. Боланинг келажакда қандай инсон бўлиб камол топиши у туғилган ва тарбия топган оила, янаям тўғрироғи, ота-онага боғлиқ. Фарзандини комил инсон қилиб тарбиялаш, уни эл хизматига камарбаста қилиб вояга етказиш ота-она зиммасидаги масъулиятли вазифа. Афсуски, оиланинг парчаланиб, пароканда бўлиши фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.**



– Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Марказимизга олиб келинган болаларнинг кўпчилиги ота-онасининг беэътиборлиги ва бемеҳрлигидан азият чеккан, уйидаги оғир маънавий муҳит таъсиридан толиққан ва руҳан эзилган, тушкун бир аҳволда бўлишади, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ҲПБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази раҳбари, подполковник Камолиддин Завкиев. – Бундан ташқари, қаровсиз қолган, адашган, бедарак йўқолган, ижтимоий ва бошқа хавф остида қолган, ўз уйидан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиб, назоратсиз юрган ва ёрдамга муҳтож бўлганлари ҳам бор.

Профилактика инспекторлари, инспектор ижтимоий ходими, психологлари, тарбиячилар уларга тўғри йўл кўрсатиш, тарбиявий суҳбатлар ва бошқа усуллар орқали оилаларига қайтариш борасида барча керакли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бош мақсадимиз болаларни меҳрибонлик уйи ёки



ёпиқ турдаги таълим-тарбия муассасасига жойлаштириш ё бирор васий шахсни топиб, унинг қўлига топшириш эмас, балки ўз оиласи бағрига қайтаришдир.

Марказга уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганлар қабул қилинади. Улар дастлаб бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади. Сўнгра ювиниш хонасида чўмилтирилади. Янги кийим-кечак билан таъминланади. Шундан сўнг Марказнинг профилактика инспекторлари, тарбиячилари, тартибот навбатчилари, инспектор ижтимоий ходим ва психологлар бола билан суҳбатлашади. Унинг шахси, яшаш манзилини аниқлаш борасида тегишли профилактик ишларни амалга оширади.

Қабул қилинган ҳар бир бола учун йиғмажилд юритилади. Унда вояга етмаганнинг шахси, доимий яшаш манзили, ота-онаси, яқинлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. Шунингдек, унинг қидирувда эмаслигини аниқлаш мақсадида бола берган маълумотлари бўйича ички ишлар органларига хабарномалар жўнатилади.

Ўтказилган қидирув-суриштирув ва профилактик ишлар ижобий натижа бермаган тақдирда, вояга етмаганлар суд-тиббий экспертизаси кўригидан ўтказилиб, прокуратура идоралари, жиноят ишлари бўйича туман судлари, васийлик ва ҳомийлик органлари, идоралараро вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва бошқа тегишли органлар билан ҳамкорликда ёшига қараб, уларни давлат таълим-тарбия муассасаларига жойлаштириш чоралари кўрилади.

Марказ биноси икки қаватдан иборат, 110 нафар болани қабул қила олиш имконига эга бўлиб, замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Болалар учун кутубхона, ёзги кинотетр, спорт зали, футбол майдончаси, турли ёшдагиларга мос замонавий арғимчоқлар бор. Эътиборимизни тортгани мўъжазгина жонли бурчак бўлди. Бу ерда тошбақа, қуён, товус, каптар каби болалар учун севимли бўлган жониворлар парвариш қилинади.

Чамаси етти ёшлардаги болакай қуёнчани эркалаб, авайлабгина бошини силади. Унга сабзи, карам барги тутиб озиқлантирди. Қуёнчага ҳам бу меҳр ёқипти, шекилли, қўрқмай ўйнаяпти. Чиройли ҳолат... Уни четдан кузатиб турганимни сезган Марказнинг инспектор ижтимоий ходими, катта лейтенант Алмас Балтабаев болакай ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Унинг исми Николай. Ёши еттида. Ота-онаси эрта вафот этиб, бувисининг қарамоғида қолган. Кекса кампирнинг соғлиғида муаммолар юзага келавергач, ҳудудий профилактика инспекторига мурожаат қилиб, болага ёрдам қилишларини сўраган. Кейин туман васийлик органи ҳамкорлигида бу ерга олиб келинган.

Коля жуда яхши бола. Тарбияли, ақлли, ҳар тарафлама соғлом. Лекин меҳрга ташна. Буни унинг жониворларга бўлган муносабати орқали ҳам билиш мумкин. Ўзи кутган эътибор ва ғамхўрликни у ҳайвонлар орқали ифодалаяпти.

Коля бизга ўгирилиб қаради. Алмасни кўриб, кўзлари порлаб кетди: «Дадам келди!» дея унинг бағрига ўзини отди.

– Кези келса, буларга ҳам ота, ҳам она бўламиз. Марказдан кетаётганларида эса айримлари биз билан ажрашишни хоҳламай, йиғлашади ҳам...

Марказда боланинг сақланиш муддати 30 кун, агар шароит тақозо этса, 45 кун этиб белгиланган. Ўз-ўздан савол туғилади: шу муддат боланинг ўзгариши учун етарлича вақт ҳисобланадими? Мазкур савол билан Марказ психологи Гулчеҳра Қосимовага мурожаат этганимизда қуйидаги жавобни олдик:

– Муассасамиз реабилитация маркази эмас. Бу ерда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади, холос. Яъни, ҳуқуқий, психологик, тиббий кўмак берилади. Биз фақат боланинг оиласидаги ижтимоий муаммодан келиб чиқиб, унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилига тўғри йўл кўрсатиб берамиз. Психологлар, профилактика инспекторлари ва инспектор ижтимоий ходими иштирокида тарбиявий ишлар олиб борилади. Лекин алоҳида таъкидлашни истардимки, бола шу ҳолатга етиб келмаслиги учун таълим муассасаларининг ўзида психологик тарбияни кучайтириш, болалар билан индивидуал ишлаш, психологик методлардан кенг фойдаланиш зарур.



Яқинда бир ҳолат юз берди. Марказга Раъно исмли қиз олиб келинди. У корейс, хитой, инглиз, рус тилларини яхши билади, жуда иқтидорли. Қизнинг руҳиятида ҳеч қандай оғишишни топа олмайсиз, ақлий жиҳатдан соғ, шахс сифатида интилувчан, изланувчан. Лекин оилада онаси билан низо юзага келган. Яъни, онаси қайта турмуш қурган. Кўп фарзандлар отаси ё онаси ўрнида бошқа шахсни қабул қила олмайди. Биз буни кўп ҳолларда отаоналарга тушунтира олмаймиз. Уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш ҳуқуқига ҳам эга эмасмиз. Лекин имкон қадар боланинг руҳиятини соғломлаштиришга, отаонанинг қарорини тўғри қабул қилишга ўргатамиз. Ота-оналар билан ҳам профилактик суҳбатлар ташкил этамиз.

– Яна бир шунга ўхшаш оилавий ҳолатни ҳам мисол келтириш мумкин, – дея фикрларини давом эттирди Гулчеҳра Қосимова. – Нодира исмли қиз оиласида бахтиёр яшаб юрган кунларнинг бирида кутилмаганда бефарзанд аёл томонидан фарзандликка олингани ҳақида билиб қолади. Бу унинг руҳиятига ниҳоятда оғир, кучли зарба бўлади. Ахир, неча йиллардан бери ота-она деб келгани умуман ёт одамлар бўлса? Ўзининг ота-онаси-чи? Нима учун ундан воз кечган? Адоғию жавоби йўқ саволлар исканжасида тушкунликка тушади. Ота-онасининг ҳақиқий эмаслигини билиб, уларнинг ҳар битта танбеҳини кўнглига оғир олиб, турткилаш маъносида қабул қилиб, ўгай бўлгани учун шунақа муносабатда бўлишяпти, деган нотўғри фикрга боради. Натижада асраб олган ота-онасини рад этади ва ўзининг оиласини қидиришга тушади.

Топади ҳам. Лекин кутилмаган ҳолат устидан чиқади. Умуман носоғлом муҳит, ичкиликбозликка ружу қўйган ҳақиқий ота-онасини кўриб, аввалги оиласининг қадрига етади. Фарзандликка олган ота-онасига нисбатан ноўрин ва қўпол муносабатда бўлгани учун пушаймон чекади. Биз психологик дарслар орқали унинг ўз хатоларини тушуниб етишига эришдик. Натижада Нодира ўзини асраб олган оиласини танлаб, уларга ҳақиқий фарзанд бўлишга аҳд қилди.

Яқинда шу қиз оила қурди – жамиятда ўз ўрнини топди. Жаҳл, алам ва изтироб туфайли боши берк кўчаларга кириб кетмади. Ҳар гал тарбияси оғир ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болаларга кўмагимиз текканда, уларнинг ҳуқуқбузарлик кўчасига кириб кетишининг олдини олганимизда ажиб бир мамнуният ҳис этамиз.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

ХИЗМАТ ЖОЙИ – ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ

# ҲАМИША ОЛҒА ИНТИЛИБ

*Қуролли Кучлар тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида шартнома асосидаги ҳарбийларнинг фаолият самарадорлиги ошяпти. ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Бухоро вилоятида жойлашган 7536-ҳарбий қисм 3-батальон секция командири, сержант Жобир Ғуломов тиришқоқлиги, топшириқларни ўз вақтида бажариши билан раҳбариятнинг назарига тушган. Шу билан бирга, ўтказилаётган барча маданий-маърифий ва спорт тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. У маънавий ва жисмоний тайёргарлиги ҳамда ўз устида тинимсиз изланишлари туфайли бир қатор ютуқларга эришиб, сафдошларига ўрнак бўлиб келяпти.*

Албатта, унинг хизматда ютуқларга эришишида устозлари катта сержант Ойбек Эргашев ҳамда сержантлар Шарофиддин Облоқулов ва Ҳайдар Яхёевнинг хизмати катта бўлди. Улардан соҳа сир-асрорларини мукаммал ўрганиб, тажрибасини янада бойитди. У фаолияти давомида қоровул бошлиғи, кейинчалик эса қисмдаги клуб ва кутубхона бошлиғи лавозимида ҳам астойдил хизмат қилди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, руҳий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини оширишда қисм қўмондонлигига яқиндан ёрдам бермоқда. Шу билан бирга, ўнлаб шогирдларни тарбиялашда жонбозлик кўрсатиб келаётир.

– Устозим сержант Жобир Ғуломов нафақат хизматда, балки намунали оила бошлиғи сифатида ҳам барчамизга ўрнак бўлмоқда, –дейди оддий аскар Фирдавс Қаюмов.

Ҳақиқатан ҳам, унинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Турмуш ўртоғи Насибахон ҳисобчилик билан бир қаторда, уй ишларида ҳам саранжом-



саришта, фарзандларига меҳрибон она.

– Биз жуда бахтли оиламиз, – дейди у қувончдан кўзлари порлаб. – Мен тақдиримни ана шундай шарафли касб эгаси билан боғлаганимдан беҳад мамнунман. Умр йўлдошим бахтимизга соғомон бўлиб, юртимиз осойишталигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверсин.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

МУЛОҲАЗА

# «ПОКИНУЛ(А) ГРУППУ» ёхуд одоб чегараси қаерда?





**Бугун ахборотга бўлган талаб ҳар қачонгидан-да кучли. Қолаверса, биз юксак ахборот технологиялари сонияларда тараққий этиб бораётган замонда яшаяпмиз. Айни пайтда электрон тизим кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади ҳисоб. Катта-катта завод-фабрикаларда ёшларнинг замонавий электрон қурилмаларни маҳорат билан бошқаришини кўриб дилимиз равшан тортади.**

Йўлларга ўрнатилган видеокузатув камералари ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига, ҳаракат хавфсизлигига қатъий амал қилишига ижобий маънода катта таъсирини ўтказди. Бугун светофорларда тўхташ чизиғидан ўтиш ҳолатларининг камайгани, кўча-кўйда ҳаракат иштирокчиларининг қоидаларга эътиборли эканлигини оддий йўловчи сифатида ҳам пайқаш мумкин. Хуллас, кичик электрон «қутича» инсониятнинг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган, кези келганда, тартибга чақириб қўядиган воситага айланиб улгурди. Бу яхши! Аммо орамизда ижобий жиҳатлар билан оммалашаётган янгилик, қулайликни ўзининг бироз эътиборсизлиги, тартиб-қоидага беписандлиги, айрим ҳолларда, одоб чегарасини унутиб қўйиши ёки бўлмаса, шахсий манфаатнинг устунлиги оқибатида «но» томонларини «кашф» этаётганлар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда ўзаро суҳбатдан бир мисол: «Ўша куни телеграмимни очсам, таниш-билишлар нақ йиғирматадан ортиқ гуруҳга қўшиб қўйишибди. Чиннни буюмлардан тортиб, косметика, турли хил кийим-кечак ҳатто сумкагача бор. Ширинлик, миллий таомлар гуруҳини айтмайсизми? Алпинми-талпинми «заказ» қилиш ҳам мумкин. Аввалига барака топинглар-э, дедим. Аммо уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, ходимларнинг ойлик ҳисоботи учун маълумотларни умумлаштиришда, телефонимда азбаройи телеграм гуруҳлар кўпайиб кетганидан ўзим учун кераклисини тополмай, роса хуноби ошиб, нақ 30–40 та гуруҳни ўчирдим. Шундан буён янги гуруҳ пайдо бўлиб қолса, дарҳол «покинул(а) группу» қилиб қўя қоламан».

Аслида турли интернет магазин ва хизмат турлари тавсия этилган гуруҳларга аъзо бўлишнинг қулай томонлари талайгина. Ҳозирги пандемия шароитида бозор одамлар энг гавжум жой эканлигини инобатга олсак, буни тўғри тушуниш керакдир, балки. Аммо шунчаки аъзолар сонини кўпайтириш мақсадида турли гуруҳларга яқинларни ва таниш-билишларни аъзо қилиб қўйишда қандай мантиқ бор? Халқ орасида «Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади», деган мақол ҳам бор. Бирор зарурати бор инсон ўзи имконият излайди-ку. Қолаверса, бугун ҳар қандай масалада интернетдан фойдаланиш мумкин. Аксарият корхона, завод-фабрика, ошхона, озиқ-овқат, кийим-кечак дўконидан тортиб, ҳатто дорихона билан ҳам электрон шаклда мулоқот қилиш орқали иш битказиш қийин эмас. Бироқ охирги пайтда мобиль телефонларда «группага одам қўшамиз», «группага одам кўпайтириб, пул ишланг» қабилидаги хабарлар ҳам кенг тарқалаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Шу ўринда яқинда «Менинг юртим» телеканалидаги «эълон»ни тилга олиш жоиз. У машҳурлар номидан гуруҳ очиб, гўёки эҳтиёжмандларга ёрдам бериш мақсадида маблағ тўплаётган гуруҳларга ишонч йўқлиги ҳақида эди.

Тили тўлиқ чиқиб улгурмаган болажоннинг сўнгги русумдаги мобиль телефондан фойдаланишнинг уддасидан чиқишини кўриб, «бугуннинг боласи-да», деб қўямиз. Уларнинг шу тарздаги эркалигини кўтарамиз, қизиқишларига йўл очамиз, камчиликларини тузатиб, хато қилмасликка ўргатамиз. Аммо «хайрли иш», дея ижтимоий тармоқдан виждонсизлик, пасткашлик, фириб йўлида фойдаланаётган кимсаларни ким деб аташ, уларнинг «қаҳрамон»лигини қандай баҳолаш мумкин?.. Бу тубанликнинг «замонавий» кўринишими ё...

Сирасини айтганда, ижтимоий тармоқ ва ахборот технологияларидан одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда кимнидир кечириш, сийлаш ёки «эркалаш» шартмас. Одоб чегарасини билинг ёки «покинул(а) группу».

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.**

НАШЕ БУДУЩЕЕ

# Воспитание детей – первостепенная задача



**Концепция развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года разработана во исполнение постановления Президента Республики Узбекистан от 30 сентября 2018 года № ПП-3955 «О мерах по совершенствованию системы управления дошкольным образованием» и содержит комплексные меры по развитию системы дошкольного образования. Данный документ в своей основе определяет цели, задачи, приоритеты и этапы развития дошкольного образования в нашей стране на среднесрочную и долгосрочную перспективу и является основанием для разработки программ и комплексов мер, направленных на развитие сферы дошкольного образования.**



Действительно, вопрос воспитания подрастающего поколения является для нас важнейшим из поставленных. Именно от нас в первую очередь зависит то, какими они будут – сегодняшние малыши, по прошествии лет – опора и надежда государства. Мы не можем позволить себе пустить, что называется, на самотек вопрос воспитания в семье, дошкольных и общеобразовательных учебных заведениях, допустить, чтобы пресловутая «улица» взяла свое, а потому всем миром, не перекладывая вопрос на плечи государства, должны сделать все от нас зависящее, чтобы помочь детям стать достойными людьми.

В структуре МВД Республики Узбекистан уделяется весьма пристальное внимание данной теме. В областях республики и г. Нукусе Республики Каракалпакстан функционируют детские сады, находящиеся на балансе местных органов внутренних дел. О том, как обстоят дела в обучении и воспитании детей, в частности ДОО, расположенных в г. Ташкенте, рассказывает методолог Хозяйственного управления при Департаменте финансового и материально-технического обеспечения МВД Республики Узбекистан Надира Кадирова.




– В столице находится 5 детских садов МВД республики, – говорит Надира Пулатовна, – это «Нихол», «Бинафша», «Семург», «Камалак» и «Навруз», расположенные в разных районах города. Детские сады предназначены для того, чтобы нести знания, всесторонне развивать как в физическом, так и в духовном плане, открывать таланты и способности, воспитывать в детях лучшие качества, которые понадобятся им в жизни. Принципы организации нашей деятельности – учет прав, индивидуальности и потенциала развития ребенка, взаимосвязь всех направлений образовательной деятельности, сохранение и укрепление здоровья, удовлетворение потребностей, в том числе в движении, поддержка творческих способностей, обучение и развитие через игру, обеспечение безопасной среды, сотрудничество с семьей, махаллей, школой, придание ценности национальным традициям, другим национальностям.

Принципы эти очень важны, потому что учеба и воспитание в дошкольном учреждении являются весомыми для становления ребенка. День в детских садах начинается с утренней гимнастики под руководством инструкторов по физкультуре. Питание воспитанникам предлагается по разработанному и утвержденному медицинскими специалистами меню, где все продукты и блюда сбалансированы по содержанию всех необходимых для растущего организма веществ, витаминов, макро- и микроэлементов. При этом блюда вкусные, что называется, как дома, и это очень нравится детям. Отмечу, что детские сады в системе МВД работают плодотворно. Исходя из специфики деятельности сотрудников органов внутренних дел, родители забирают детей вечером, а поэтому предусмотрен еще и ужин. Хочу отметить, что программа обучения и воспитания включает в себя интерактивные игры, познавательные конкурсы, викторины, театрализованные постановки.

Красочно и интересно, в рамках открытых уроков, отмечаются различные памятные даты и государственные праздники нашей страны, на которые приглашаются родители и гости. В воспитании широко применяются национальный опыт, обычаи, традиции, основанные на взаимоуважении, трудолюбии и справедливости, при этом перенимается и международный опыт. Отмечу, в наших детских образовательных учреждениях работают исключительно профессиональные, высокообразованные специалисты своего дела, с солидным стажем работы. Таким специалистам можно уверенно доверить ребенка, и в очень скором времени мы заметим положительные, заметные успехи в его развитии.

